Ўзбекистон овози

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚ ДЕМОКРАТИК ПАРТИЯСИНИНГ ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ РЎЗНОМАСИ

Рўзнома 1918 йил 21 июндан чиқа бошлаган

№ 238 (21. 104) 1991 йил 10 декабрь сешанба

Баҳоси 8 тийин.

29 декабрь—Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови ва Ўзбекистон Республикаси референдумини ўтказиш куни

ИНСОНПАРВАР РАҲБАР

Биз «Ўзбекистон овози» рўзномасига ушбу мактубни йўллаб, мустақил республикамиз Президентлигига кўрсатилган ҳурматли Ислом Абдуғаниевич Каримовнинг номзодини якдиллик билан қўллаб-қувватлашимизни маълум қилмоқчимиз.

Қашқадарё вилояти меҳнат аҳли бу ердаги аҳолининг ёшу қарияси, деҳқону ишчиси ва зиёлилари Ислом Каримовни алоҳида бир самимият билан иззат-ҳурмат қиладилар. Бунинг сабаби шуки, И. А. Каримов «пахта иши» деб аталган вазиятни ғоятда чигаллаштирган, қамақама авж олган, одамларнинг руҳи синиқ, қўли ишга бормай қолган бир пайтда вилоят партия комитетига раҳбар бўлиб келди. Кўпинча халқ орасида юрди. Кенг жамоатчилик билан фикрлашди, одамларга нисбатан адолатсизликларнинг олдини олиш, вилоятда маънавий ҳаёт ва меҳнатни йўлга қўйиш учун қисқа муддатларда одилона, дадил чора-тадбирларни кўрди. Натижада Қашқадарёда вазият тез орада ўнгланиб, ҳаёт изга тушдики, бунинг учун биз ҳурматли фирқа раҳбаридан чексиз миннатдор бўлдик.

Ислом Абдуғаниевич Каримов республика партия комитетига раҳбар ва ниҳоят Президент бўлиб сайланганидан кейин мураккаб шароитларда ҳам тўғри хулоса чиқара оладиган, тадбиркор, билимдон, зукко ва халқпарвар раҳбар сифатида ўзини яққол кўрсата олди. Халқ оммаси миллий байрамларимиз ва урф-одатимизга тааллуқли кўпгина қадриятлар қайта тикланганлиги, ўн минглаб оилаларга ер берилганлиги, пахта таннархининг бир неча баробар оширилганлиги, бозор иқтисодиётига ўтиш шароитида уруш ва меҳнат ветеранлари, деҳқонлар, ишчилар, зиёлилар, талабалар ва ўқувчиларни муҳофаза қиладиган кўпгина тадбирлар кўрилганлиги, энг муҳими Ўзбекистон мустақил республика деб эълон қилинганлиги учун шахсан И. А. Каримовдан чексиз миннатдор.

Ўзбекистон Республикаси ўз мустақиллигининг мураккаб йўлбошида сиёсий ва иқтисодий жиҳатдан қатъий синовлар олдида турган ҳозирги шароитда биз президентликка энг лойиқ, ишончли номзод деб Ислом Абдуғаниевич Каримовни эътироф этамиз ва унинг номзодини чин дилдан маъқуллаймиз.

Эшқўлат БЕРДИЕВ,
Қашқадарё вилояти Яккабоғ районидаги «Ленинизм» жамоаси 6-пахта бригадаси бошлиғи, меҳнат ветерани.
Жўра ТИЛАВОВ,
Меҳнат ветерани.
Зиёдулла БЕКНАЗАРОВ,
Яккабоғ боғдорчилик ва узумчилик давлат хўжалиги директори.
Ҳайрулла ПОЕНОВ,
«Қизил Ўзбекистон» жамоа хўжалиги раиси.
Муртазо АБДУРАҲИМОВ,
«Ленинизм» жамоа хўжалиги бош механиги, Социалистик Меҳнат Қаҳрамони
Асадулла АҲМЕДОВ,
Қашқадарё вилояти, транспорт трести бошлиғи.
Ғайбулла САФАРОВ,
Косон райони прокурори.

У ҚОЛДИРГАН ИЗЛАР

«Ташсельмаш» заводи менинг иккинчи уйим, десам муболаға эмас. Корхона остонасига қадам қўйганимга 32 йилдан ошди. Бутун ёшлигим шу жамоада ўтди. Оддий шогирдликдан директор ўринбосари даражасига етдим. Ўз ҳаёт йўлимда кўплаб одамларни учратдим. Республика Президентлигига номзод Ислом Абдуғаниевич Каримов ўз меҳнат фаолиятини корхонамизда бошлаганлиги билан ғоят фахрланамиз.

1959 йилда мен 2-механика-йиғув цехида шогирдликдан иш бошлагандим. Бу ерда Алик Аджимуллаев — катта мастер, Станислав Кузнецов — мастер, Равиль Муҳамедшин эса созловчи бўлиб ишлардилар. Тошкент политехника институтини битирган Ислом Каримов йўлланма бўйича шу участкага мастер ёрдамчиси бўлиб келди. Ниҳоятда эпчил, зийрак йигитни гоҳ у дастгоҳ олдида, гоҳ бу дастгоҳ олдида учратардим. У деталларга қандай ишлов берилаётганини диққат билан кузатарди.

Тайёрлов участкаси корхонанинг юраги дейиш мумкин. Тез орада Ислом Абдуғаниевични 4-цехнинг худди шу участкасига мастер қилиб тайинлашди. Завод ишлаб чиқариши кўп жиҳатдан шу мураккаб участканинг ишига боғлиқ эди. Кейинчалик Ислом Абдуғаниевични юқори малакали мутахассисларга талаб кучли бўлган асбобсозлик цехига муҳандис-технологликка ўтказишди. 1961 йил охирларида у авиасозлик бирлашмасига ишга ўтди.

Жамоамиз аъзолари республикамиз Президентининг ўлкамизда осойишталик ва барқарорликни сақлаш, турли миллат халқлари ўртасида дўстликни мустаҳкамлаш борасидаги фаолиятини ниҳоятда қадрлайдилар, мустақил Ўзбекистон Республикаси Президентлигига Ислом Каримов муносиб номзод деб ҳисоблайдилар.

В. П. РИЖЕНКОВ,
«Ташсельмаш» заводининг директори ўринбосари.

● **Халқимизнинг ҳақиқий маънавий бойликлари бўлмиш имон, инсоф, меҳр-оқибат, андиша, ор-номус, каттага ҳурмат, кичикка иззат, меҳмондўстлик, юртга ва халққа садоқат каби фазилатларни асраб-авайлаб, фарзандларимизнинг қон-қонига сингдирайлик, жамиятимизнинг кундалик ҳаётида доимо устивор қилайлик.**

(Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ислом Каримовнинг Ўзбекистон фуқаролларига мурожаатидан)

НАМАНГАНДАГИ УЧРАШУВЛАР

Сайловчиларнинг республика Президентлигига номзодлар билан учрашувлари давом этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Президенти И. А. Каримов 8 декабрь, якшанба куни Наманганга борди. Ташриф яқинда қурилган имом Аъзам масчитида мусулмон диний вакиллари билан учрашувдан бошланди. Ўрта Осиё мусулмонлари диния бошқармасининг бошлиғи муфти Муҳаммад Содиқ Муҳаммад Юсуф жамиятни маънавий жиҳатдан қайта тиклаш тўғрисида ғамхўрлик қилаётганлиги учун Президентга самимий миннатдорчилик билдирди, жамият чинакам халқ маънавияти манбаларидан куч олмоқда. Халқимизнинг одамийлик, қариндош-уруғларга муҳаббат, катталарга ҳурмат, болаларга ғамхўрлик қилиш каби энг яхши фазилатлари авлоддан-авлодга ўтиши лозим. Ёш авлодни тарбиялашда диннинг улкан маънавий имкониятларидан ҳар томонлама фойдаланмоқ керак.

Президентликка номзод Ўзбекистоннинг 50 йиллиги номли шойи ишлаб чиқариш бирлашмасининг йигирув-тўқув фабрикаси ишчилари ҳузурида бўлди. Бу ерда 5200 нафардан ортиқ йигит ва қиз меҳнат қилмоқда — уларнинг иши ҳақида цех бошлиғи Э. Ғ. Деҳқонов сўзлаб берди. Президентликка номзод корхона жамоасининг ишлаб чиқаришдаги ютуқларига юқори баҳо берди. Ҳозирги вақтда халқ истеъмоли моллари ишлаб чиқаришни кенгайтириш жуда муҳимлиги алоҳида таъкидлаб ўтилди. Ўзбекистон мустақиллигини мустаҳкамлашга, республика иқтисодиётини ривожлантиришга ёшлар муносиб ҳисса қўшадилар, деб ишонч билдирилди.

Наманган районидаги Свердлов номли жамоа хўжалигида яқинда шакар ва ёғ ишлаб чиқарадиган цехлар ишга туширилди. Хўжаликка СССР халқ депутати А. Абдураҳимов раҳбарлик қилмоқда. Унинг ташаббуси билан ҳамма нарса тақчил бўлиб қолган мураккаб шароитда аҳолини озиқ-овқат билан таъминлашни яхшилаш чоралари кўрилмоқда. Хўжалик меҳнатчилари билан суҳбатда бу тажрибани кенг оммалаштириш зарурлиги таъкидланди.

Тўрақўрғондаги «Ширинлик» комбинати ишлаб чиқарган маҳсулотлар республикамиздан ташқарида ҳам машҳур. Сўнгги йилларда комбинатда кўпгина юқори унумли машина-ускуналар, шу жумладан АҚШ ва Италия фирмалари етказиб берган машиналар ўрнатилди. Корхона ишчилари билан суҳбатда замонавий машина-ускуналардан фойдаланиш, илғор технологияларни жорий этиш республиканинг бозор муносабатларига дадил ўтишига имкон бериши таъкидланди. Хорижий сармояларни жалб этиш, ишбилармонлик учун энг қулай шароит яратиш ҳам бунга кўмаклашади.

Куннинг иккинчи ярмида Президентликка номзоднинг вилоят сайловчиларининг жуда кўп вакиллари билан сайловолди учрашуви бўлди. Меҳнат жамоаларида, истиқомат жойларида республика Президенти лавозимига И. А. Каримов номзоди кўрсатилганлигини қўллаб-қувватлашга бағишланган 1300 га яқин йиғилиш бўлганлиги айтилди. Сўзга чиққан кишилар сайлов куни И. А. Каримов учун овоз беришга чақирдилар, чунки у баён қилиб берган дастур халқнинг орзу-умидларига мос келади, республикани иқтисодий тангликдан олиб чиқишга имкон беради.

Президентнинг вилоят бўйлаб сафарида республика Вазирлар Маҳкамаси Раисининг биринчи ўринбосари И. Ҳ. Жўрабеков, Наманган вилоят ижроия комитетининг раиси С. Т. Тошпўлатов ҳамроҳ бўлдилар.

(ЎзТАГ).

БАХТИМИЗГА ОМОН БЎЛИНГ

Мен умрим бино бўлиб шу кунгача бironта рўзномага хат билан мурожаат қилган эмасман. И. А. Каримов Ўзбекистон Президентлигига номзод қилиб кўрсатилганлигини эшитиб қувонганимдан ва ҳаяжонланганимдан ушбу хатни сизларга ёзяпман. Оддий ўзбек аёлиман. Тўртта фарзандим бор. Турмуш ўртоғим Тўра Пўлатов темирйўл бўлимининг касаба уюшмаси қўмитасида ишлайди. Кундалик турмушимиз кўнгил-қўшниларимникидан деярли фарқ қилмайди. Танқислик ва қимматчилик ҳамма қатори бизнинг ҳам турмушимизга ўз таъсирини кўрсатди. Бошқалар сингари оддий, камтарона яшаяпмиз. Ойлик маошимиз у ойдан бу ойга аранг етади. Аммо қанчалик оғир бўлмасин, ўзбекмиз, бағримиз кенг, одамшаванда, меҳр-муҳаббатли кишилармиз.

Ана шундай қийин бир даврда биздан ҳам ночор яшаётган кишиларнинг аҳволини кўриб юрак-бағримиз эзилиб кетади. Яқинда юмуш билан болалар уйига боргандим. Ота-онасиз, етим гўдакларнинг термулиб туришларини кўриб чидайолмадим. Турмуш ўртоғим билан маслаҳатлашиб болалар уйидан 5 нафар етим гўдакларни олишга аҳд қилдик. Ҳозир улар бағримизда. Тўрт фарзандим бир кунда 9 нафарга етди. Ҳаммаларини баравар кўрамиз, топганимиз ўртада. Фарзандларимиз ўзаро иноқ бўлиб яшаётганларини, бир-бирига меҳрибончиликларини кўриб бир қувончим юз қувончга айланади.

Ўзбекистон Президентининг кўп болали оналарга, оилаларга, мактаб ўқувчиларига ёрдам бериш, турмушини енгиллатиш ҳақидаги Фармонлари биз учун айниқса қўл келди. Ана шундай оғир кезларда халқ ҳолидан хабар олиб, баҳоли қудрат ёрдам бераётгани учун И. А. Каримовга раҳмат. Ишонаманки, бутун республика халқи албатта унинг номзодини қўллаб-қувватлаб 29 декабрда бўладиган сайловларда Ислом Каримов учун овоз берадилар.

Р. ПЎЛАТОВА,
Бухоро вилояти, Когон шаҳридаги Абдулла Набиев номли 6-маҳалла.

ҚУВВАТЛАЙМИЗ!

Вилоятлар ва шаҳарларда жумҳурият байналмилалчи жангчилар ва заҳирадаги жангчилар уюшмаси бошланғич ташкилотларининг йиғилишлари бўлмоқда. Ҳарбий хизматчилар кўп ҳолларда Ўзбекистон Президенти лавозимига сайлаш учун И. А. Каримов номзодини қўллаб-қувватлашмоқда. Сўзга чиққан кишилар Каримовнинг ташаббуси билан байналмилалчи жангчиларни ижтимоий ҳимоя қилиш борасида кўп ишлар амалга оширилганини таъкидлашмоқда.

Уюшманинг Наманган шаҳар ташкилоти йиғилишида Президентликка номзод Муҳаммад Солиҳ (С. Мадаминов) ҳам қўллаб-қувватланди.

(ЎзТАГ мухбири).

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«КОРХОНАЛАР, БИРЛАШМАЛАР ВА ТАШКИЛОТЛАРДАН ОЛИНАДИГАН СОЛИҚЛАР ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИНИНГ 6-МОДДАСИГА ҚЎШИМЧА КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

«Корхоналар, бирлашмалар ва ташкилотлардан олинадиган солиқлар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни 6-моддаси 5-бандининг «б» кичик банди «Бутуниттифоқ ногиронларнинг саломатлигини тиклаш уюшмасининг» деган сўзлардан кейин «Афғонистон ветеранлари уюшмаси», «Байналмилалчи жангчилар ва запасдаги жангчилар уюшмаси» деган сўзлар билан тўлдирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

«ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ФУҚАРОЛАРИДАН, АЖНАБИЙ ФУҚАРОЛАРДАН ВА ФУҚАРОЛИГИ БЎЛМАГАН ШАХСЛАРДАН ОЛИНАДИГАН ДАРОМАД СОЛИҒИ ТЎҒРИСИДА»ГИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ҚОНУНИГА ЎЗГАРТИШ ҲАМДА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ ҲАҚИДА

Республика аҳолисини ижтимоий ҳимоя қилишни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

«Ўзбекистон Республикаси фуқароларидан, ажнабий фуқароларидан ва фуқаролиги бўлмаган шахслардан олинадиган даромад солиғи тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикасининг 1991 йил 15 февралдаги Қонунига (Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгашининг ахборотномаси, 1991 йил, №4, 88-модда) қуйидаги ўзгартиш ва қўшимчалар киритилсин:

1) 3-модданинг 1-бандидаги «в» кичик банди «ва ҳунар-техника билим юртлари» сўзларидан сўнг, «шу жумладан олий ва ўрта диний ўқув юртлари» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

2) 3-модданинг 1-бандидаги «т» кичик банди қуйидаги таҳрирда баён этилсин;

«Т) давлат корхоналари мол-мулкини сотиб олишга, акциялар харид этишга ва шу мақсад учун берилган қарзларни узишга ишлатиладиган, солиқ солиниши керак бўлган фуқаролар иш ҳақи ва бошқа даромадларнинг суммаси, шунингдек акциялар бўйича олинган ва акцияли жамиятнинг ёки дивиденд олинган корхоналарнинг акцияларини сотиб олишга ишлатиладиган дивидендлар. Айтиб ўтилган мол-мулк ва акцияларни сотиш вақтида илгари солиқдан озод қилинган даромадлардан умумий асосларда солиқ олинади»;

3) 4-модданинг 1-бандидаги «о» кичик банди «Афғонистон Республикасида» сўзларидан сўнг «ва жанговар ҳаракатлар олиб борилган бошқа мамлакатларда» деган сўзлар билан тўлдирилсин;

4) 4-модданинг 1-банди қуйидаги мазмундаги «с» ва «т» кичик бандлари билан тўлдирилсин:

«С) Чернобиль фалокати оқибатида жафо чеккан фуқаролар — оладиган барча даромадлари юзасидан, шу жумладан:

Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатида нурланиш касаллиги билан оғриган ва бундай касалликни бошидан кечирган фуқаролар, шунингдек ногиронликнинг келиб чиқиш сабаби Чернобиль фалокати билан боғлиқ эканлиги аниқланган ногиронлар, чунончи:

Чернобиль атом электр станциясида ажратиб қўйилган тегра доирасида фалокат оқибатларини бартараф қилишда иштирок этган шахслар (йўлланма ёки хизмат сафари билан вақтинча юборилганлар ҳам шулар сирасига киради) ёки станцияни ишлатишда ёхуд бошқа ишларда банд бўлган шахслар;

ички ишлар идораларининг хизматни ажратиб қўйилган тегради ўтаган (ўтаётган) раҳбар ва оддий ходимлари жумласидан бўлган шахслар;

ҳарбий хизматчилар — офицерлар, пропоршчиклар, мичманлар, СССР Қуролли Кучларида, СССР Давлат хавфсизлиги қўмитасининг қўшинлари ва идораларида, Ички қўшинлар ва Темир йўл қўшинларида ҳамда бошқа ҳарбий тузилмаларда муддатдан ташқари хизматни ўтаётган ҳарбий хизматчилар, аёл ҳарбий хизматчилар, ҳақиқий муддатли хизматни ўтаётган сержантлар ва оддий аскарлар, шунингдек махсус йиғинларга чақирилган ва ажратиб қўйилган тегради мазкур фалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб этилган ҳарбий хизматни ўташга мажбур шахслар;

1986 йилда ажратиб қўйилган теградан кўчирилган (ихтиёрий равишда кўчиб кетган), шунингдек 1986 йил 26 апрелдан эътиборан кўчириб юборган теграда ҳамда кўчириб юбориш ҳуқуқи сақлаб қолинган теграда яшаб турган (яшаган) шахслар;

1986-1987 йилларда ажратиб қўйилган теграда Чернобиль атом электр станциясидаги фалокат оқибатларини тугатиш ишларида қатнашган ёки шу даврда Чернобиль атом электр станциясини ишлатишда ёхуд бошқа ишларда банд бўлган шахслар (шу жумладан йўлланма ёки хизмат сафари билан вақтинча юборилган шахслар;

қаерда жойлашганлиги ва қанақа иш бажарганлигидан қатъи назар, ушбу кичик банднинг бешинчи хатбошисида санаб ўтилган ҳарбий хизматчилар ҳамда махсус йиғинларга чақирилиб, 1986—1987 йилларда мазкур фалокат оқибатларини тугатиш билан боғлиқ ишларни бажаришга жалб этилган ҳарбий хизматни ўташга мажбур шахслар;

ички ишлар идораларининг 1986—1987 йилларда ажратиб қўйилган теграда хизматни ўтаган бошлиқлари ва оддий аскарлари жумласидан бўлган шахслар;

т) қишлоқ жойларда яшайдиган, хўжалиги қишлоқ хўжалик солиғи ёки ер солиғи тўлашдан озод этилган, 60 ёшга тўлган эркаклар ва 55 ёшга тўлган аёллар — хоҳ якка тартибда, хоҳ тадбиркорлар жамоаси таркибида амалга ошириладиган тадбиркорлик фаолиятидан келадиган даромадлар юзасидан»;

5) 10-моддада «13 фоиз» сўзи «12 фоиз» сўзлари билан алмаштирилсин.

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

Ўзбекистон Республикасининг Қонуни

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ МАЪМУРИЙ ҲУҚУҚБУЗАРЛИК ТЎҒРИСИДАГИ КОДЕКСНИНГ 128—1-МОДДАСИГА ЎЗГАРТИШ КИРИТИШ ТЎҒРИСИДА

Транспорт воситаларининг ички жиҳозларини бузганлик учун жавобгарликни кучайтириш мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий Кенгаши **қарор қилади:**

Ўзбекистон Республикасининг 1985 йил 13 декабрдаги Қонуни билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси маъмурий ҳуқуқбузарлик тўғрисидаги кодексининг (Ўзбекистон Республикаси Олий Советининг ведомостлари, 1985 йил №35, 411-модда; 1986 йил, №29, 350-модда) 128—1-моддасига ўзгартиш киритиб, у қуйидаги таҳрирда баён этилсин:

«128—1-модда. **Транспорт воситаларининг ички жиҳозларини бузиш**

Пассажир вагонларининг ички жиҳозларини, локомотивлар ҳамда вагонларнинг ойналарини бузиш—

беш юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Кемалар ҳамда авиалайнерларнинг ички жиҳозларини бузиш—

беш юз сўмдан минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Автобусларнинг, маршрут таксиларининг, таксилар ва шаҳар электр транспортининг салонларидаги ҳамда метрополитен вагонларидаги ва махсус транспортнинг ҳамма турларидаги ойналар ва ички жиҳозларини бузиш —

минг сўмдан икки минг сўмгача миқдорда жарима солишга сабаб бўлади.

Жарима ундириб олиниши айбдорни етказилган моддий зарар сўммасини тўлашдан озод этмайди».

Ўзбекистон Республикасининг Президенти
И. КАРИМОВ.

Тошкент шаҳри,
1991 йил 20 ноябрь.

ШАРТНОМА ИМЗОЛАНДИ

7 декабрь куни Тошкентда Ўзбекистон Республикаси ҳукумати билан Қозоғистон ССР ҳукумати ўртасида 1992 йилда савдо-иқтисодий ҳамкорлик тўғрисидаги шартнома имзоланди.

Мазкур шартнома икки республика ўртасида вужудга келган анъанавий иқтисодий ва маданий алоқаларга асосланиб ҳамда 1991 йилнинг 14 август куни Ўрта Осиё республикалари ва Қозоғистон раҳбарларининг учрашуви якунларига кўра Тошкентда қабул қилинган баёнотга мувофиқ тузилган эди

Шартномани Ўзбекистон Республикасининг вице-президенти Ш. Р. Мирсаидов ва Қозоғистон ССР Бош вазири С. А. Терешченко имзоладилар.

Ўзбекистон Республикаси келаси йилда шартнома мажбуриятлари асосида Қозоғистон ССРга маҳсулот ва молларнинг бир қанча муҳим турларини, шу жумладан электр энергия, нефть маҳсулотлари, газ, кўмир, қора ва рангли металлар, кимё ва нефть кимёси саноати маҳсулотлари, халқ истеъмоли моллари, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беради. Қозоғистондан ўз навбатида, ўрмон, ёғочга ишлов бериш ва целлюлоза—қоғоз саноати маҳсулотлари, бинокорлик материаллари, дори-дармонлар ҳамда бошқа кўплаб нарсалар келтирилади.

Ш. Р. Мирсаидов билан С. А. Терешченко шартнома имзоланганидан сўнг журналистлар билан суҳбатда бу муҳим ҳужжатнинг катта сиёсий ва иқтисодий аҳамиятини таъкидладилар. Улар шартнома икки республика ўртасидаги савдо-иқтисодий ҳамкорликни янада мустаҳкамлашга кўмаклашади, дея умид билдирдилар.

Шартномани имзолаш маросимида Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси Раисининг ўринбосарлари А. М. Муталов, Т. Я. Шарипов, Ўзбекистон Республикаси иқтисод комитетининг раиси А. Маҳмудов, бошқа расмий кишилар қатнашдилар.

Т. БОТИРБЕКОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Шартномани имзолаш пайти.

Р. ШАГАЕВ олган сурат (ЎзТАГ).

ТОШКЕНТ ҲОКИМЛИГИГА НОМЗОД РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Адҳамбек Иброҳимович Фозилбеков Тошкент шаҳар ҳокими лавозимига номзод сифатида рўйхатга олинди. Унинг номзодини «Миконд» заводи меҳнат жамоаси кўрсатди ва Тошкентдаги авиация ишлаб чиқариш бирлашмаси, чинни заводи каби катта корхоналарнинг меҳнат жамоалари, шунингдек Ўзбекистон Халқ демократик партияси шаҳар кенгаши, бошқа жамоат ташкилотлари қўллаб-қувватлади.

А. И. Фозилбеков 1940 йилда Тошкентда туғилган. Тошкент политехника илмгоҳини битиргандан сўнг чинни заводида мастер, сўнгра технолог, цех бошлиғи, бош технолог ўринбосари, «Миконд» заводи махсус конструкторлик-технология бюроси лабораториясининг бошлиғи бўлиб ишлади. Ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда кандидатлик диссертациясини ёқлади. 1981 йилдан буён партия ва совет ишларида. 1990 йилда халқ депутатлари Тошкент шаҳар Советининг раислигига сайланган. У СССР Олий Кенгашининг аъзоси, Ўзбекистон Республикасининг халқ депутатидир.

(ЎзТАГ).

КЎНГИЛ ТЎҚ

Мирзачўл районидаги «Тошкент» давлат хўжалиги деҳқонлари 300 гектар майдонга кузги ғалла экдилар. Пухта тайёрланган, озиқлантирилган ерга сифатли уруғ ташланган келгуси йил ҳосилига пухта замин яратишга шубҳаланмаса ҳам бўлади. Зеро, бу борада асосан пахтачиликка ихтисослашган хўжалик меҳнаткашларининг ўзига хос тажрибалари бор.

Жорий йилда жумҳуриятимиз Президентининг қишлоқ хўжалик меҳнаткашлари хонадонларини юз килограммдан буғдой билан таъминлаш борасидаги Фармони эълон қилинганида хўжалик раҳбарияти саросимага тушмади. Боиси 262 гектар майдонга экилган буғдой айни ҳосилга кирган эди. Шунингдек, 350 гектар майдондаги маккажўхори ва арпадан ем-хашакка бўлган эҳтиёжни қондириш даражасида ҳосил тўпланганди. Шунга қарамасдан хўжалик мутахассислари тўлиқ бошоқлар етиштириш, донни нобуд қилмасдан йиғиштириб олиш чора-тадбирларини кўрдилар. Ғаллачилик билан шуғулланаётган ширкатлар аъзоларига амалий ёрдам кўрсатилди. Натижа шунга яраша бўлди. Звено бошлиқларидан Леспан Хўжамуродов, Жақсилиқ Умиров, Қодирали Ёқубовлар ҳар гектар ердан 48—59 центнердан ҳосил кўтардилар. Хўжалик бўйича эса гектаридан 46 центнердан буғдой олинганлиги жа-

• Фармон ва ижро

моанинг Президент фармонларини бажариш борасидаги имкониятларини кенгайтирди. Хўжалик аҳлининг умумий йиғилиши ҳар бир оилага юз килограммдан эмас, ҳар жон бошига 70 килограммдан буғдой тарқатиш ҳақида қарор қилди. Ҳозиргача жами 326 тоннадан зиёд буғдой улашилгани қувончли. З. Беков, К. Аблятев, М. Элмуродов каби кўп болали хонадонлар бир тоннага яқин ва ундан ошириб буғдой олдилар. Ноябрь ойнинг ўрталарига келиб хўжаликда тегирмоннинг ишга туширилиши янада қувончли бўлди. Ҳозир у кунига 3—3,5 тоннадан буғдойни ун қилиб чиқаряпти.

— Ғаллачиликдаги муваффақиятимиз кўпгина муаммоларимизни ижобий ҳал этишда қўл келяпти, — дейди хўжалик раҳбари Қанай Қуроқбоев. — Жумладан, ортиқча ғалламизни қурилиш материалларига алмаштириш имкони туғилмоқда. Яқинда эса Қорақалпоғистон жумҳуриятидан буғдой эвазига юз тонна гуруч келтирдик.

Хўжалик раҳбарияти аҳоли чорвасини ем-хашак билан таъминлашга ҳам эътибор беряпти. Ҳозиргача аҳолига бир минг тоннадан ортиқ ҳашак, арпа ва маккажўхори сотилди.

Б. САТТОРОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ. Риштон районидаги маиший хизмат уйида аҳоли учун зарур бўлган турли хил истеъмол буюмлари ишлаб чиқарилмоқда. Бу ерда буюртмачиларга пулли хизмат кўрсатиш ҳам йўлга қўйилган.

СУРАТДА: маиший хизмат уйининг илғор тикувчиси Салимахон Жўраева. У зиммасидаги ойлик режаларини ошириб бажармоқда.

У. ҚУШВОҚОВ олган сурат.

• ОДАМЛАР НИМА ДЕЙДИ?

МУСТАҚИЛЛИК КАРВОНИ

● Республикамиз мустақил давлат, деб эълон қилинган кундан буён одамларнинг руҳи, кайфиятида туб ўзгариш рўй берди. Бир қатор кишилар билан мулоқотда бўлиб, жумҳуриятимиз мустақиллиги ҳақида қандай фикрдасиз, унинг барқарорлигини таъминлаш учун нима қилиш лозим, деган саволлар билан мурожаат қилдик.

Муҳаммаджон ТОЖИБОЕВ, иккинчи агроқурилиш трести бошқарувчиси, Ўзбекистон халқ депутати:

— Жаҳон миқёсида ишлаш, иш юритиш, ўзаро алоқалар қилишни ўрганишимиз керак. Чет эл технологиясини олиб келиб, ишга солишимиз лозим. Бор маблағимиз, бойлигимизни марказга бериб, кейин ундан ўз пулимизни садақа сифатида сўраб оладиган эски ҳолга тушиб қолмайлик.

Қурилиш ишида ҳам дунё миқёсига мурожаат этиш керак. Чет эллардан ғишт, цемент, шифер ишлаб чиқарувчи, мармар, гранитни қайта ишловчи кичик-кичик қурилмаларни сотиб олиш ўринлидир. Оддий мисол: вилоятимизда мармар, гранит учун ҳом ашё жуда сероб. Нега энди мутахассисларимиз ҳорижга бориб, шарқона бинолар бунёд этиб, валюта ишлаб келмаслиги керак?

Яна бир фикр, биз фойда келтирадиган меҳмонхона ва бошқа маданий бинолар қуришни кўпайтиришимиз керак. Қурилиш ташкилотларини ҳам жамоалар қўлига мустақил бериш пайти келди.

Обилжон СИДДИҚОВ, Ўйчи район, «Ленин йўл» жамоа хўжалиги бригада бошлиғи:

— Мен оддий деҳқонман. Мустақиллигимиз хўп иш бўлди. Шу пайтгача пахта етиштирдику, аммо у бағримизга бу бағримизга етмай юрди.

Энди гапнинг пўст калласи — мустақилликни асраш керак. Бунинг учун ҳамма ўз ўрнида ҳалол ишласа бас. Мана, биз, деҳқонлар ҳам шу кунларда тер тўкиб меҳнат қиляпмиз. Бригадамиз бу йил 86 гектар ерда деҳқончилик қилди. 36 центнердан хирмон кўтариб, йиллик режани бажардик.

М. МАМАТОВ, Наманган давлат педагогика олий таълимгоҳи ректори, Беруний номидаги давлат мукофоти лауреати:

— Республикамиз мустақил бўлганлигининг ўзига яраша юки, масъулияти бор. Биз мустақил жумҳуриятнинг озод, эркин фуқаролари бўлар эканмиз, аввало, миллий, маданий ва маънавий анъаналаримиз ўз юртимизда қадр топмоғи лозим. Эндиликда миллий педагогикани тиклаш, шарқона тарбияга эътиборни кучайтириш пайти келди. Эски ўзбек алифбосининг йўқотилиши маънавиятимизга жуда катта путур етказди. Оқибатда тарихимизни унутдик. Бундан буён олийгоҳлар тарихимиз, миллий маданиятимиз, маънавий бойлигимизни халққа етказадиган малакали кадрларни тарбиялашга эътибор бериши керак.

Яна бир муҳим масала. Эндиликда ҳорижий тилларни ўрганиш ҳаётий зарурат бўлиб қолди. Чунки, мустақил давлат бўлганимиздан кейин ҳорижий давлатлар билан иқтисодий, маданий алоқаларни пухта йўлга қўйиш лозим. Бу соҳада ҳам ота-боболаримиздан ўрнак олсак арзийди. Улар бир неча тилларни билишган. Шу мақсадда биз олийгоҳда чет тилларни ўрганиш марказини тўздик. У ерда ҳорижий мамлакатлар билан алоқа қиладиган ишбилармон ходимлар тайёрлаймиз.

Суҳбатни «Ўзбекистон овози» мухбири.
А. МАДАТОВ
ёзиб олди.



● Алексей Охрименко 30 йилдан буён Намангандаги Қурилиш трестига қарашли қурилиш-монтаж бошқармасида электр пайвандчи бўлиб ишлаб келяпти. У шу йиллар давомида шаҳар ва қишлоқларда қад кўтарган юзлаб уй-жой биноларида монтаж ишларини пухта бажарди. Тажрибали мутахассис ва ташаббускор устоз сифатида кўплаб шогирдларни тарбиялади.

Ҳозир у шаҳарнинг шимолий қисмида бунёд этилаётган «Оромгоҳ» мавзеси қурилишида жонбозлик кўрсатиб меҳнат қиляпти.

СУРАТДА: тажрибали пайвандчи А. Охрименко иш устида.

П. АКБАРОВ олган сурат.

«ЎЗБЕКИСТОН ОВОЗИ»НИНГ МУСТАҚИЛЛИК ДОРИЛФУНУНИ

Чет мамлакатлардаги ўзбекларининг республикамизда ташкил этилган «Эл» ташкилотининг яқинда Тошкентда бўлиб ўтган таъсис мажлисида бир атоқли олим-меҳмон менинг Ўрта Осиё маданияти тарихидаги Уйғониш даври ҳақида айтилган фикримни тилга олибди. Бу фикр 70-йилларнинг бошида нашр этилган «Уйғониш даври ва Шарқ мутафаккири» китобида изоҳлаб берилган эди. Лекин ҳозирда бу масала республикамиздаги сўнгги ижтимоий-сиёсий ўзгаришлар муносабати билан янгича маъно касб этади...

«Эл»нинг йиғилишига буюк Алишер Навоий кунлари, унга бағишланган илмий конференция улашиб кетди... Хуллас, воқеалар тарихий қиёслашга ва улардан турли сабоқлар чиқаришга йўналган тафаккур мавжларига кенг йўл очди...

Муззаффар ХАЙРУЛЛАЕВ,
Ўзбекистон Фанлар академиясининг академиги.

ТАРИХ САБОҚЛАРИ ВА ЮКСАЛИШ ОРЗУЛАРИ

МАЪЛУМКИ, VIII асрларда Ўрта Осиё унинг ғарбида — Яқин Шарқда янги вужудга келган араб давлати — халифалик томонидан истило этилди. Кескин курашлар, қаршиликларга қарамай ерли халқ босқинчиларга қарам бўлиб қолди. Буюк олим Беруний ва тарихшунос Наршахий тафсирида босқинчилар ерли халқларга ҳам моддий, ҳам маънавий жиҳатдан катта зарар келтирди — ерли ҳокимият тугатилди, шаҳарлар, қадимги маданият ёдгорликлари, мавжуд ёзувлар йўқ қилинди ва китоблар ёндирилди, архитектура, санъат намуналари барбод бўлди. Илм-маънавият фидойилари қурбон этилди ва ҳоказо. Халқ халифаликка, янги динга қарам қилинди. Маънавий норозилик кучая борди, халқ мустақилликни тиклаш учун курашга қўзғалди. VIII—IX асрларда босқинчиларга қарши Абу Муслим, Шариқ ибн Шайх, Сумбатмаг, Муқанна кабилар бошчилигидаги халқ қўзғолонлари ҳурлик, озодликка интилишнинг қатъий эканлигини кўрсатди.

Халқнинг мустақиллик учун кураши натижасида IX аснинг охирларида Ўрта Осиёда ерли Сомонийлар давлати вужудга келди — бу араб халифалигига қарамликдан қутулиш, мустақилликни қўлга киритиш эди. Лекин, бой-феодаллар, қабила бошлиқлари ўртасида аҳиллик, бирлик, келишувнинг йўқлиги туфайли ўзаро низо, курашлар авж олди, 3-4 аср давомида Сомонийлардан ташқари яна Қорахонийлар, Ғазнавийлар, Хоразмшоҳлар ва бошқа давлатлар вужудга келди, улар қисқа умр кўриб қулаб, йўқ бўлиб кетди. Лекин шу билан бирга Яқин ва Ўрта Шарқда янги шаклланган мусулмон ўлкалар ўртасида иқтисодий-маданий алоқалар авж олди. Маданият намуналари билан алмашув, ўзаро маънавий таъсир кучайди. Қадимги Ҳинд, Эрон, араб, юнон маданий бойликлари қоришиб, адабиётларда «мусулмон маданияти» деб ном олган янги маданий қатлам вужудга келди.

Қадимги маданият анъаналарга ниҳоятда бой бўлган Ўрта Осиёда мустақилликка эришган халқ бу давр ичида ўз маданиятини юксакликка кўтара олди. Шаҳарлар, шаҳар маданиятининг тез ривожи ҳамда маданий алоқаларнинг кучайиши самараси бўлган Уйғониш, Реннесанс шу даврда бошланди, Ўрта Осиё илм-фан, маънавиятда тарихда мисли кўрилмаган намуналар яратди.

Форобий, Абу Али ибн Сино, Беруний, Фирдавсий, Рудакий, Бухорий, Аҳмад Югнакий, Маҳмуд Қашғарий, Замахшарий кабилар шу давр маданий юксалишининг қоялари, чўққиларидир. Ҳаттоки араб халифи Маъмун Ўрта Осиёнинг олимларини халифаликнинг марказига олиб кетгани ва улар Бағдод академиясининг кўрки бўлиб, илм учун хизмат қилганликлари ҳам тарихдан кенг маълум. Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Жавҳарий, Марваруддий каби математик, астрономлар шулар жумласидандир. Ўрта Осиёнинг буюк ўғлонлари номи дунё маданияти саҳифасида олтин сатрлар билан ёзиб қолдирилгандир. Социал утопия шу даврда шаклланганди: Форобий асарларидаги етук, юксак жамоа ва камол инсонлар ҳақидаги фикр-ҳаёллар шу даврнинг маҳсулотидир. Ўрта Осиёда бу даврда уч тилда: араб, форс, туркий тилларда ижод этилди, тафаккур мевалари муҳрланиб, Шарқнинг турли бурчакларигача етиб борди.

Бу давр маданияти ўзининг кучли гуманистик руҳи, инсонпарварлик нафаси, одамларни ўзаро дўстликка чақириши, ақлни эъзозлаши билан умуминсоний қадриятлар юксаклигига кўтарила олди.

ЎРТА ОСИЁ маданияти тарихида Уйғониш биринчи навбатда қарамликдан қутулиш, мустақил тафаккур, мустақил ижод, мустақил маънавийлик — Мустақилликнинг самараси бўлди.

XIII аснинг 20-йилларида халқимиз — Ўрта Осиё халқлари Шарқда, Мўғулистонда шаклланган Чингизхон давлатининг беаёв хуружига учради. 2-3 йил давомида Ўрта Осиё, Мовароуннаҳр ва Хуросон босиб олинди, яна шаҳарлар вайрон, турли маданий бинолар, йўллар, боғ-роғлар барбод бўлди, китоблар ёндирилди, халқ энди Чингизийлар қарамлигига тушди, лекин бу қарамлик ва ҳуқуқсизлик узоққа чўзилмади. Яна мустақиллик учун кураш бошланди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда мўғул ҳукмронлиги борган сари кучлироқ зарбага учрай борди, Самарқандда мустақил сарбадорлар давлати вужудга келди.

XIV аснинг 60-йилларидан бошлаб мўғуллар ҳукмронлигига қарши Амир Темур етакчилигидаги мустақиллик учун ҳаракат Мовароуннаҳр ва Хуросонда кучли давлатнинг вужудга келиши билан якунланди. Бир асрдан сал кўпроқ давом этган бу мустақил давлат яна илм-фаннинг, адабиёт-санъатнинг юксалишига имконият яратди. Мустақил бўлган халқ яна эркин нафас олиб ўз ичидаги истеъдодларга шижоат, янги куч, илҳом бахш этди. Бу X-XII асрдаги душман хуружи натижасида узиб қўйилган Уйғонишнинг тикланиши, маънавий равнақнинг иккинчи босқичи эди. Бўғиб қўйилган маданий қудрат, маънавий куч яна қўзғолди... Бошқача бир тарихий шароитда бу куч ўз даврига мос ҳолда ажойиб, ранг-баранг маданий ютуқлар, маънавий бойликлар билан XV аср саҳифасини безатди, уни тарихда унутилмас жило, ранг, ютуқлар билан бойитди. Ўз даври маънавий ютуқларининг турли қирраларини фаолиятлари, ижодларида ёрқин ифодалашган Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Коший, Лутфий, Журжоний, Тафтазоний, Давоний, Кошифий, Беҳзод, Жомий, Хўжа Аҳрор каби олим, фозил, ижодкорлар шу даврнинг маҳсулидир. Алишер Навоий бу маданий-маънавий кўтаринкиликнинг чўққиси бўлди. У мутафаккир шоир, олим, маърифатчи эди. Унинг узоқ йиллар давомида темурий шоҳларидан Ҳусайн Бойқаро саройида доно маслаҳатчи вазирлик фаолияти хокимиятни маърифат йўлига йўллаб туришда, Уйғониш маданиятини таъминлашда ниҳоят муҳим аҳамият касб этди. Унинг бевосита таъбири, иштироки билан 200 дан ортиқ маданият муассасаси қурилгани маълум.

Бу даврда икки тил — асосан форс ва туркий тилларда ижод этилди. Илғор мутафаккирлар Жомий, Навоий ижодларида ҳам етук инсонлар, йўллар, боғ-роғлар барбод бўлди, китоблар ёндирилди, халқ энди Чингизийлар қарамлигига тушди, лекин бу қарамлик ва ҳуқуқсизлик узоққа чўзилмади. Яна мустақиллик учун кураш бошланди. Мовароуннаҳр ва Хуросонда мўғул ҳукмронлиги борган сари кучлироқ зарбага учрай борди, Самарқандда мустақил сарбадорлар давлати вужудга келди.

XIV аснинг 60-йилларидан бошлаб мўғуллар ҳукмронлигига қарши Амир Темур етакчилигидаги мустақиллик учун ҳаракат Мовароуннаҳр ва Хуросонда кучли давлатнинг вужудга келиши билан якунланди. Бир асрдан сал кўпроқ давом этган бу мустақил давлат яна илм-фаннинг, адабиёт-санъатнинг юксалишига имконият яратди. Мустақил бўлган халқ яна эркин нафас олиб ўз ичидаги истеъдодларга шижоат, янги куч, илҳом бахш этди. Бу X-XII асрдаги душман хуружи натижасида узиб қўйилган Уйғонишнинг тикланиши, маънавий равнақнинг иккинчи босқичи эди. Бўғиб қўйилган маданий қудрат, маънавий куч яна қўзғолди... Бошқача бир тарихий шароитда бу куч ўз даврига мос ҳолда ажойиб, ранг-баранг маданий ютуқлар, маънавий бойликлар билан XV аср саҳифасини безатди, уни тарихда унутилмас жило, ранг, ютуқлар билан бойитди. Ўз даври маънавий ютуқларининг турли қирраларини фаолиятлари, ижодларида ёрқин ифодалашган Мирзо Улуғбек, Али Қушчи, Коший, Лутфий, Журжоний, Тафтазоний, Давоний, Кошифий, Беҳзод, Жомий, Хўжа Аҳрор каби олим, фозил, ижодкорлар шу даврнинг маҳсулидир. Алишер Навоий бу маданий-маънавий кўтаринкиликнинг чўққиси бўлди. У мутафаккир шоир, олим, маърифатчи эди. Унинг узоқ йиллар давомида темурий шоҳларидан Ҳусайн Бойқаро саройида доно маслаҳатчи вазирлик фаолияти хокимиятни маърифат йўлига йўллаб туришда, Уйғониш маданиятини таъминлашда ниҳоят муҳим аҳамият касб этди. Унинг бевосита таъбири, иштироки билан 200 дан ортиқ маданият муассасаси қурилгани маълум.

Бу даврда икки тил — асосан форс ва туркий тилларда ижод этилди. Илғор мутафаккирлар Жомий, Навоий ижодларида ҳам етук ижодкорлар шу даврнинг маҳсулидир. Алишер Навоий бу маданий-маънавий кўтаринкиликнинг чўққиси бўлди. У мутафаккир шоир, олим, маърифатчи эди. Унинг узоқ йиллар давомида темурий шоҳларидан Ҳусайн Бойқаро саройида доно маслаҳатчи вазирлик фаолияти хокимиятни маърифат йўлига йўллаб туришда, Уйғониш маданиятини таъминлашда ниҳоят муҳим аҳамият касб этди. Унинг бевосита таъбири, иштироки билан 200 дан ортиқ маданият муассасаси қурилгани маълум.

ХАЛҚЛАР тарихида ҳам мамлакат мустақил бўлиб, ҳокимият билан илм-фан, маърифат бирикканда ижтимоий-маданий тараққиётда юксак ютуқларга эришиш мумкинлигини кўрсатувчи мисоллар, фактлар, далиллар жуда кўпдир.

Ҳозирги замонамиз халқ онги, ижтимоий ҳаёт, илм-фаннинг юксаклиги жиҳатидан бутунлай ўзгача...

Беруний ва Алишер Навоий даврлари эса эндиликда узоқ ўтмиш. Лекин тарих сабоқлари ҳар доим тафаккурга озиқ беради, фаолиятни бойитади, инсон учун янги ижтимоий жумбоқларни ечиш имкониятларини яратади.

Буюк ақл, иқтидор эгалари асрлар оша ҳам ўз халқи билан бирга барча инсониятга хизмат қилади. Беруний, Хоразмий, Навоий юбилейлари Ўзбекистон ўлкасини яна бир бор илм-фан оламига, дунёга машҳур этди.

Тақдир ҳукмига таажжубки, деярли бир йил аввал бошланган Алишер Навоийнинг 550 йиллигига тайёргарлик республикамизнинг мустақиллиги эълон этилган кўнларда байрам тўйи билан якунланди. Маданият, маънавиятдаги Уйғониш Мустақиллик билан узвий боғлиқ, унинг самарасидир.

Уйғониш маданияти Ўрта асрларда Шарқда бошланди, у Ғарбга катта таъсир кўрсатди ва сўнг Европага кўчди.

Мустақилликнинг ўзини эса бирлик, ўзаро иноқлик, бир мақсад йўлида курашув натижасида қўлга киритилиши ва сақлаб қолиниши мумкинлигини тарих бир неча бор исботлаган.

Мустақиллик илм-фан, маърифатга таянса, ундан ўз мавқеини, қудратини мустаҳкамлашда фойдаланишга интилса, илм-маърифатни эъзозлаб у билан бирдамликда катта ижтимоий-маънавий ютуқларни қўлга кирита олиши махсус исботга муҳтож эмас. Тарихда доно шоҳлар, ҳокимлар ўз саройига илм-фан, маърифат, ижодий шахсларни, зиёлиларни тўплаганлар, уларга имкон туғдириб, кучғайратларини мамлакат мустақиллигини мустаҳкамлашга йўналтирганлар. Олим, фозиллар эса ҳокимни тинчлик, маърифат, одамийлик, элга меҳр, маънавийликни ошириш учун йўллашга интилганлар.

Мустақиллик — бу маънавий худбинлик, қуруқ кеккайиш, мақтанчоқлик эмас, бу оғир меҳнатни, халқни фаровонлик йўлидан олиб боришга қаратилган мажбурият ва сафарбарликни, ғурурни назарда тутади.

Мустақиллик — бу бошқа ўлкаларнинг ҳам мустақил маънавиятини иззат-ҳурмат этиш, улар билан маданий ва бошқа алоқаларни кенгайтириш, улардан ўрганиш ва билганини баҳам кўришни кўзда тутади. Бу айниқса биз учун ҳозирда муҳимдир. Хоразмшоҳлар саройида турли ўлкалардан келган — туркий, эроний, ҳинд, хитойлик маданият вакиллари ижод этишган, уларга ҳар доим йўл очиқ эди.

Маданий алоқалар, маданиятларнинг ўзаро таъсири умуман маданий юксалиш, Уйғонишнинг муҳим омилларидандир.

Мустақиллик ижодий ақл, фикрнинг ривожига қанча кенг имкон ярата олса, унинг мустаҳкамланиши учун йўл-йўриқ, воситалар ҳам шунча кўп ва ранг-баранг бўлиб вужудга келиши ҳам ўтмиш тарих сабоқларидан маълум. Форобийнинг доно раҳбар ёки раҳбарлар бошчилигида фозил жамоа, камил инсон, ўзаро ёрдам асосида яшовчи халқлар ҳақидаги хаёллари, Жомий, Навоийларнинг адолат ҳукмрон ўлкалар, чексиз инсонийлик ва юксак аҳлоқ-одоб ҳақидаги ўйлари шундай мустақилликда туғилган ва аввало мустақилликни назарда тутади. Ҳозирда умуминсоний манфаати тарихнинг биринчи саҳифасидан ўрин олаётган бир даврда мустақиллик, илм-маърифатни эъзозлаш, инсонга муҳаббат, ўзаро аҳиллик ва маънавий юксалишнинг қиммати янада кучайиб бормоқда.

Мустақиллик ва Уйғониш, мустақиллик ва юксалиш узвий боғлиқ, у биздан — ҳаммамиздан ақл-идрок, билимимизни, истеъдодуқобилиятни, ҳис-туйғуларни, фаол фаолиятни, куч-ғайратни талаб этади.

250 СЎМДАН ТОВОН ПУЛИ

Хўжайли пахта тозалаш заводига ён-атрофдаги қатор қишлоқлардан ишчилар келиб меҳнат қилишади. Кейинги пайтда корхона ишчилари самарали меҳнат қилиб, ўз ишлари самарасидан яхшироқ баҳраманд бўла бошладилар.

Корхона касаба уюшмаси раиси Райимбой Иброҳимовнинг таъкидлашича, корхона товар маҳсулот тайёрлаш, тола ажратиб олишда кескин бурилиш ясади. Режалар муттасил ошириб адо этилмоқда. Шунга яраша фойда олиш ҳажми ҳам ортиб боряпти. Йил бошидан буён режага қўшимча олинган корхона фойдаси 3 миллион сўмдан ҳам кўп бўлди. Бу эса ишчи-хизматчиларга бериладиган ойлик товон пули (компенсация)ни 100 сўмдан 250 сўмга кўпайтириш имконини берди.

Р. ЕШИМБЕТОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Мамлакат ҳаётидаги иқтисодий танглик, хўжалик алоқаларининг узилиши Тошкент тўқимачилик комбинатини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Бироқ корхона жамоаси имконият излаб, барқарор фаолият кўрсатишга муваффақ бўлмоқда.

Хўш, бунга қандай қилиб эришляпти? Комбинат олдида турган вазифалар нималардан иборат? Шу ҳақда жамоатчи мухбиримиз корхона бош директори, Ўзбекистон Республикаси халқ депутати Б. Эргашев билан суҳбатлашди.

ТАДБИРКОРЛИК—ЗАМОН ТАЛАБИ

ЧИҚИНДИДАН... ВАЛЮТА

— Рўй бераётган воқеалар, иқтисодий инқироз ҳаммамизни бир маънода чўчитиб қўйди, — деди Ботир Қодирович, — лекин жумҳурият ҳукуматининг дадил қадами, аниқ чора-тадбирлари бу чўчишларга барҳам берди. Ҳар бир корхона мустақил ҳаракат қилиб ҳорижий фирмалар билан алоқа боғлаши учун кенг имкониятлар яратилди. Шу жиҳатдан Тошкент ишбилармонлар учрашуви биз учун дорилфунун ролини ўйнади. Биз бу учрашувда анчагина ҳорижий фирмалар билан ҳамкорлик қилишни келишиб олдик.

Очиғи, бундан роса уч йил олдин корхонамиз иқтисодий аҳволи ниҳоятда оғир эди. Кўпгина цех ва участкаларимиз ишлаб чиқариш режаларини бажара олмай, зарар устига зарар кўриб ишларди. Нима учун? Ахир хом ашё етарли бўлса, нега ишлаб чиқаришда ўнгланиш бўлмади? Комбинат муҳандис-техниклари, иқтисодчилар ва тадбиркор ишчилар билан биргаликда бу саволларга жавоб изладик. Ҳаракатимиз зое кетмади.

Маълум бўлишича, бизнинг аъло даражада ишлашимизга эски, алмисоқдан қолган техника панд берар экан. Биргина тўқув ишлаб чиқаришини мисол қилиб оладиган бўлсак, эски дастгоҳда меҳнат қилаётган тўқувчи узилиб қолган толани улашга бир неча дақиқани (минут) сарфлайди. Янги тўқув дастгоҳида эса бу иш атиги бир неча секунд вақтни олади, холос.

Мутахассислар билан маслаҳатлашиб, эски техника ўрнига янгиларини сотиб олишга қарор қилдик. Мана, уч йилдирки бу ишни босқичма-босқич олиб боряпмиз. Шу кунгача тўқув ва йигирув цехларидаги дастгоҳларни алмаштирдик. Яқинда янги пардозлаш фабрикаси қурилишини бошлаб юбордик. Корхона маъмурияти Германиянинг «Бабкок» фирмаси билан шартнома имзолади. Унга кўра, юқоридаги фирма бизга валюта ҳисобида 22 миллион сўмлик пардозлаш ускуналари етказиб берадиган бўлди.

— Кечирасиз, сир бўлмаса айтингчи, валютани қай йўсинда ишлаб топяпсизлар?

— Биласизми, ҳозирги пайтда ишбилармон бўлмасанг бирор натижага эришиш қийин. Бекорга айтишмаганку, «Иш билганга кенг дунё», деб. Очиғи биз бу оддий ҳақиқатга яқиндагина тушундик. Илгари корхона ҳисобида валюта йўқ эди. 1989 йилдан бошлаб эса биз валютага эга бўлдик. Қандай қилиб дейсизми? Бу жуда қизиқ бўлди.

Бизга Франциянинг «Поликотон» фирмаси вакиллари ҳамкорликни таклиф этишди. «Йигирув машиналаридан чиқаётган чиқиндини сотсангиз, ҳақини валюта ҳисобида тўлардик», деб қолишди. Аввалига иккиландик. Кейин ўйлаб қарасак, бу валюта дегани замонавий ҳорижий техникалар сотиб олишда жуда асқотаркан. Аслида йигирув машиналаридан чиқаётган чиқиндини ҳамиша ахлатга ташлаб юборардик. Энди бўлса, ушбу чиқиндиларни шартнома асосида «Поликотон» фирмасига етказиб беряпмиз.

Шу тариқа ҳориж билан ҳамкорлик алоқаларимиз кенгайиб кетди. Франциядан кейин Совет-Австрия қўшма корхонаси, сўнгра эса Германия ва Голландия фирмалари билан шартнома туздик. Ҳар иккала фирмага жўнатадиган чиқинди 200 тоннани ташкил этиб, бу комбинатга 250 минг доллар даромад келтирди. Ушбу маблағнинг катта қисми корхона учун электрон-ҳисоблаш машиналари ва ҳорижий ускуналарга эҳтиёт қисмлар харид қилишга сарфланди. Ҳозир Америкада тайёрланган компьютерларнинг дастлабки тўркуми корхона цехларида ишлатилмоқда.

— Янги техника эвазига маҳсулот ишлаб чиқариш турлари ҳам кўпайган бўлса керак?

— Албатта, замонавий техниканинг имкониятлари кенг, ундан тўлиқ фойдаланилса борми, ишлаб чиқаришда бемалол бир неча маҳсулот турларини ўзлаштириш мумкин. Биз бу йўналишда ҳам тегишли тадбирларни амалга оширяпмиз. Шу кунгача йигирма номдаги газлама ишлаб чиқариляпти.

Яқинда корхона рассомлари кенгашининг навбатдаги йиғилишида 26 та янги газлама тури андозалари намойиш қилинди. Шулардан 24 таси ишлаб чиқаришга жорий этиладиган бўлди. Бу эскиз расмлардаги ёрқинлик, фантазия ҳаридорларни мафтун этиши, шубҳасиз. Тез орада бу расмлар акс эттирилган бежирим газламалар савдо марказларига жўнатилади.

— Ботир Қодирович, комбинатда ижтимоий соҳага эътибор қандай? Дейлик, айрим корхоналарда маош камлиги учун ишчилар қўнимсизлиги кўпаймоқда. Ўзингизга маълум, 150—200 сўмлик маош билан кун кечириш қийин бўлиб қолди...

— Гапингиз тўғри. Мамлакат шу жумладан жумҳурият ҳам бозор иқтисодиёти муносабатларига ўтди. Нарх-наво ошиб кетди. Илгари яшаса бўладиган 150—200 сўм билан ҳозир кун кечириш мушкул. Айниқса, оила кўп болали бўлса... Шу жиҳатларни ўйлаб, биз маош масаласида бирмунча ўзгаришлар қилдик.

Бу йил корхона ишчи-хизматчиларининг иш ҳақини икки бараварга кўтармоқчимиз. Ўтган йили маош учун 19 миллион сўм сарфлаган бўлсак, бу йил уни 46 миллион сўмга етказишни мўлжаллаганмиз. Бу ўз-ўзидан бўлмайди, албатта. Бунинг учун имконият излашимиз, маҳсулот сотишни кўпайтиришимиз зарур.

Шу кунларда сатин, астарбоп тўқима газламалар ишлаб чиқаришни кўпайтирдик. Биз уларни шартнома асосида Афғонистон, Мўғулистон, Қурия сингари давлатларга қатъий валюта ҳисобида жўнатамиз. Ҳозирча валюта ҳисобида 450 минг сўмлик маҳсулот сотдик. Бу эса ҳозирнинг ўзидаёқ корхона ишчи-хизматчиларининг маошини бирмунча оширишга ёрдам берди.

Бугунги кунда комбинатга келган ёш ишчи илк маошининг ўзида 300—350 сўм оляпти. Тажрибали ишчилар эса 600 сўмдан 1000 сўмгача ойлик маош олишмоқда. Агар янги пардозлаш фабрикасини ишга туширсак борми, унда ҳар бир ишчи, ҳозирги олаётган ҳақидан икки-уч баравар кўпроқ маош олган бўлур эди. Чунки пардозлаш машиналари ишлаб чиқарадиган газламалар жаҳон стандартига тўла мос келади. Демак, маҳсулотларимиз харидоргир бўлади. Маҳсулот харидоргир бўлгач, даромад кўпайиши турган гап. Бинобарин, ишлаб топилган фойданинг катта қисмини меҳнат аҳли фаровонлигини ошириш учун сарфлаб, ижтимоий соҳага эътиборни кучайтираверамиз.

Суҳбатдош Б. ОРИПОВ.

• ДОЛЗАРБ МАВЗУДА СУҲБАТ •

Белгилаб қўйилсинки, дейилади Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Колхозлар, совхозлар ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан пахта толаси ва пилласи сотиш масалалари тўғрисида»ги Фармонида, 1991 ва кейинги йиллар учун белгиланган топшириқдаги пахта толаси ва пилланинг беш фоизи ҳамда белгиланган ҳажмдан ортиқча олинган мазкур маҳсулотларнинг ҳаммаси мамлакат ичкарисида ҳам ва ундан ташқарида ҳам колхозлар, совхозлар, ижара жамоалари ва бошқа қишлоқ хўжалиги корхоналари томонидан ихтиёрий равишда сотилади... Республиканинг кўрсатиб ўтилган маҳсулот турларини сотиш ва етказиб беришга дахлдор бўлган вазирликлари ва идоралари ушбу Фармонининг сўзсиз бажарилишини таъминласинлар».

Хўш, белгиланган топшириқдаги пахта толасининг 5 фоизи қандай аниқланади! Хўжаликлар йиллик режанинг 95 фоизидан кейинги ҳосилни ўзларига олиб қоладиларми ёки белгиланган топшириқдаги жами юз фоиз пахта толага айлантирилгандан сўнг беш фоизининг ҳисоб-китобини чиқарадиларми!

«Ўзбекистон овози» рўзномасининг махсус мухбири Ҳ. ИКРОМОВ республика қишлоқ хўжалик вазирининг ўринбосари Ҳ. МУҲИДДИНОВга ана шу саволлар билан мурожаат қилди.

РЕЖАДАГИ ПАХТА ТОЛАСИНИНГ БЕШ ФОИЗИ НИМА?

— Ўзбекистон Республикаси Президентининг янги Фармонига биноан бизнинг вазирлигимиз зиммасига муайян вазифалар юклатилган. Вазирлигимиз ушбу Фармон юзасидан қишлоқ хўжалик корхоналари белгиланган топшириқдаги беш фоиз ва белгиланган ҳажмдан ортиқча маҳсулот топширганликлари учун пахта толаси ва пилласи сотиш қоидалари намунасини Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасига тақдим этган эди.

У Президентимиз И. А. Каримов имзоси билан тасдиқланди.

— Унда нималар кўзда тутилган?

— Фармонга мувофиқ пахта толасини колхоз, совхоз ва бошқа қишлоқ хўжалик корхоналари қай йўсинда сотиши тартиби кўрсатиб берилган. Пахта толасини эркин сотиш ҳуқуқи фақат белгиланган йиллик топшириқларни бажарган ва ошириб бажарган хўжаликларнинг меҳнат жамоаларигагина берилади.

Бу билан пахта хом ашёсини тайёрлаш ва қайта ишлаш ҳамда унга ҳақ тўлашнинг мавжуд шартлари ўзгармайди. Терилган пахтанинг ҳаммаси тайёрлов пунктларига топширилиши шарт, бунинг учун колхозлар ва совхозларга белгиланган қоидага кўра харид нархлари бўйича ҳақ тўланади.

— Нима учун хўжаликлар пахтанинг ҳаммасини пахта тозалаш заводига топширадилар?

— Ҳа, нима учун шундай деб сўрашлари табиий, албатта. Хўжаликнинг ўзига тегишли пахтани, пилласи ўзига қолдирса бўлмайдими, деган савол ҳам туғилиши мумкин. Фараз қилайлик, худди шундай тартиб қўлланилди, бу ҳолда: биринчидан, республика бўйича ҳаммаси бўлиб қанча пахта тайёрланганлигини билмаймиз. Иккинчидан эса, хўжаликлар ўзларига тегишли пахтани топширмаса, унда қайси сорт пахтани олиб қолиш керак бўлади — планни 95 фоиз қилиб бажаргандан кейин топшириладиган пахтаними? Бу ҳолатда асосан IV сорт пахта бўлади ёки ўз манфаатларини кўпроқ кўзлаб биринчи сортдан олиб қолинадими? Учинчидан, агар хўжаликлар пахтани олиб қоладиган бўлсалар, унда пахтани сақлаш учун қўшимча харажатлар қилишга тўғри келади. Масалан, бир жойга тўплаш, кеча-кундуз қоровуллаш, устини ёпиш, ёнғиндан сақлаш ва яна шу пахтани қайтадан машина ва тележкаларга солиб заводга олиб бориш ва ҳоказолар. Бундай харажатлар ҳозирги шароитда ортиқча деб ўйлаймиз. Шуларни инобатга олиб, тартибнинг бу бандига шундай деб ёзишга қарор қилинди.

— Энди шу тартибнинг моҳияти ҳақида муштарийларимизга батафсилроқ маълумот берсангиз.

— Белгиланган топшириқдаги хўжаликлар ихтиёри билан сотиладиган беш фоиз пахта толаси, шунингдек бу маҳсулотнинг белгиланган топшириқдан ортиқча қисми пахта хом ашёси тайёрлаб бўлингандан сўнг хўжаликлар ва пахта заводлари томонидан пахта толасининг миқдори, нави ва типини дастлабки ҳисобга олишдаги маълумотларга мувофиқ белгиланади, бу ҳақда акт тузилади. Бунда кейинги уч йил ичидаги пахта толаси чиқишининг ўртача кўрсаткичи асос қилиб олинади. Бу толанинг ассортименти хўжаликлар ва пахта заводлари томонидан тайёрланган пахта хом ашёсининг сортлилиги, сортининг топширилган пахта хом ашёсига нисбатан мутаносиб солиштирма оғирлигидан келиб чиқиб белгиланади.

Барча ишлаб чиқарилган толанинг ҳажми, шу жумладан, хўжаликлар ихтиёри билан сотиладиган қисми фақат тайёрланган пахта хом ашёсининг ҳаммаси тўла ишлаб бўлингандан сўнг аниқланишини ҳисобга олиб, хўжаликлар толани мавсум давомида, қайта ишланган хом ашёга мутаносиб ҳажмда сотишлари мумкин. Толани ортиқча сотишга йўл қўймаслик мақсадида томонларнинг келишувига мувофиқ хўжаликларнинг ихтиёри билан сотиладиган тола ҳажмининг 10 фоизгача бўлган қисмини резерв қилиб қолдириш мумкин. Хўжаликлар бўйича пахта хом ашёси қайта ишлаб бўлингандан сўнг хўжаликлар ихтиёри билан сотилиши лозим бўлган толанинг ҳақиқий ҳажми аниқланади. Пахта заводларида бу маҳсулотнинг сотилиши ҳаракати ҳар бир хўжалик бўйича алоҳида ҳисобга олиб борилади.

Ихтиёрий равишда сотиладиган пахта толаси (белгиланган ҳажмининг 5 фоизи ва белгиланган топшириқдан ортиқчасининг ҳаммаси)ни олиш учун хўжаликлар пахта заводларига пахта хом ашёсини тайёрлаш, қайта ишлаш ва сақлаш бўйича бўлган барча харажатларни тўлайдилар (толани кўтара баҳода сотиб оладилар).

Хўжаликлар ихтиёри билан сотиладиган толанинг ҳаммаси хом ашёни қайта ишлаш даврида пахта заводларида йиғилиб, хўжаликлар бўйича алоҳида сақланиши мақсадга мувофиқдир.

Пахта толаси мамлакат ичкарисида колхозлар ва совхозлар билан истеъмолчилар ўртасида тўғридан-тўғри шартнома тузиш, биржалар, савдо-сотиқ ва бошқа ташкилотлар орқали чет мамлакатларга — биржалар, Ташқи савдо алоқаси давлат қўмитасининг ташқи савдо фирмалари орқали лицензиясиз сотилиши мумкин.

Шунингдек, белгиланган ҳажмдан ортиқча пахта хом ашёсини қайта ишлашдан олинган чигит хўжаликлар ихтиёрида қолади.

Давлат буюртмаси бўйича тайёрланган пахта толасини сақлаш ва сотиш тартиби Вазирлар Маҳкамасининг 1991 йил 4 сентябрдаги 184-р-сонли фармойишига мувофиқ «Узглавлегснабсбит» томонидан белгиланади.

Яқинда қишлоқ хўжалик вазирлигимизда шу масалага бағишланган семинар-йиғилиш бўлиб ўтди. Унда Қорақалпоғистон Республикаси қишлоқ хўжалиги вазирлиги, барча вилоятлар деҳқончилик-саноати уюшмалари, республика ишлаб чиқариш бирлашмалари раисларининг иқтисодий масалалар бўйича муовинлари, район деҳқончилик саноат уюшмаларининг раислари, илғор хўжаликларнинг раҳбарлари ва пахта тозалаш заводларининг директорлари қатнашдилар. Ана шу семинар-йиғилишда юқорида айтиб ўтилган тавсияномалар моҳияти тушунтирилди. Савол-жавоблар бўлиб ўтди.

Вазирлигимиз хўжаликларнинг ўз ихтиёри билан сотадиган пахтасининг толасини қандай аниқлаш қоидаларини, далолатномасини ва уни ҳисоблаш намунасини ҳар бир хўжаликка етадиган қилиб жойлардан келган вакилларга берди.

— Бу йил пахта харид нархлари ошишидан хўжаликлар қандай наф кўрадилар?

— Пахта хом ашёси асосан тўрт саноат навига бўлинади. Тола чиқишига қараб эса етти типга бўлинади. Шунга қараб унинг нархлари ҳам ҳар хилдир. Пахтанинг харид нархлари ўртача ҳар тоннаси учун 1630 сўмдан 2520 сўмга кўтарилди. Бошқача қилиб айтганда, ҳар тонна пахтанинг нархи 890 сўмга ошди. Ўтган йилга нисбатан таққосласак, пахта толасининг нархи ўртача 6060 сўмдан 9086 сўмга кўпайди. Ёки ҳар тонна тола учун 3026 сўм қўшимча даромад олинадиган бўлди.

— Хўжаликлар бюджетга фойдадан олинадиган солиқ ва меҳнатга ҳақ тўлаш жамғармасидан ўн бир фоизли ажратма тўлашдан озод этилдилар. Пахта хом ашёси ва пахта толаси харид ҳамда улгуржи нархларининг оширилиши билан бирга машинада терилган ҳар тонна пахта учун 25 сўмдан, қўлда терилган пахтанинг ҳар килограмми учун 40 тийиндан, кўпчилик жойларда ундан ҳам знёд ҳақ тўланиши хўжаликларнинг ҳам, пахтақорларнинг ҳам ўз қадларини тиклаб олишларига ёрдам берди. Энди ҳамма гап толамиз сифатини яхшилашда қолганлиги аён...

— Хом ашё эмас, ундан чиқадиган толага қараб баҳо берилаётган экан, пахтакор хўжаликлар ҳозирданоқ унинг сифатини яхшилаш ҳақида жиддий ўйлашлари керак бўлади. Айниқса, мутахассис ва олимларимизнинг фикрига қараганда чет элга сотиладиган тола қанча узун, чидамли ва тоза бўлса, шунчалик бозори чаққон бўлади. Демак, янги истиқболли навларни жорий этиш, барча агротехник тадбирларни ўз вақтида ўтказиш муҳим аҳамиятга эга эканлигини таъкидлаб ўтмасак ҳам бўлади.

— Ҳа, деҳқоннинг бозори бароридан келиши энди унинг бутун билими, бой тажрибасини ишга солишига боғлиқлиги равшан. Режадаги пилланинг беш фоизи ва режадан ортиқчасининг ҳаммаси ҳам ана шу тартибда сотиладими?

— Давлат ва жамоа хўжаликлари ихтиёрида бўлган пилланинг ҳажмини аниқлаш ва сотиш тартиби ҳам юқоридагича белгиланган.

— Бу тартиб қишлоқ хўжалигининг яна қайси маҳсулотларига тадбиқ қилинади?

— Шу йил 25 ноябрда Республика Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамасининг 299-сонли қарори билан ҳудди шундай тартиб қоракўл терриси ва жун маҳсулотларига ҳам жорий қилинди. Қоракўл терисини сотиш ҳудди юқорида айтиб ўтилган қоидаларга ўхшаш тарзда амалга оширилади. Жун маҳсулотларини сотишда эса бироз ўзгариш бор. Хўжаликлар жунни қайта ишлаш фабрикаси билан шартномада кўрсатилган жун маҳсулотларининг 95 фоизини фабрикага топширадилар. Шу ҳажмдан ортиқча барча жун маҳсулотларини хўжаликлар ўз ихтиёрлари билан сотадилар.

• Суверен республикалар:

АДЛИЯ РАҲБАРЛАРИ МАСЛАҲАТЛАШУВИ

Аксарият собиқ Иттифоқ тузилмалари каби СССР Адлия вазирлиги ҳам ўз фаолиятини тугатди. Яқин-яқингача на миллий, на маҳаллий шарт-шароитларни ҳисобга олмай бир қабилдаги тартиб-қоидаларни тиқиштираверадиган катта идора энди йўқ. Лекин кечаги иттифоқдош республикалар бўлган мустақил давлатларнинг адлия вазирликлари бир-бирлари билан ҳамкорлик қилиш, ахборот ва тажриба айрибошлаш эҳтиёжини сезишмоқда.

Ўрта Осиё республикалари, Қозоғистон, Белорусь ва Озарбайжон адлия вазирларининг Тошкентда бўлган уч кунлик амалий учрашуви куни кеча ниҳоясига етди. Маслаҳатлашув тусида ўтган учрашувда адлия раҳбарлари ўз давлатлари олдида турган бир қатор ҳуқуқий муаммолар юзасидан фикрлашдилар. Эндигина мустақилликни қўлга киритган давлатларда ҳуқуқий сиёсатни шакллантириш, фуқароларнинг ҳуқуқлари ва манфаатлари, конституция тузуми, барча турдаги мулкчиликни муҳофаза қилишда адлия ва суд идоралари ҳамда муассасаларининг ўрни; ҳуқуқий ислоҳот, давлат идоралари тизимида адлиянинг мавқеи, қонун лойиҳаларини тайёрлашда иштирок этиш каби кўпгина масалалар юзасидан мулоҳазаларини ўртоқлашдилар.

Учрашув пировардида олти суверен давлат — Белорусь, Озарбайжон ва Ўрта Осиё республикалари адлия вазирликларининг раҳбарлари журналистларнинг саволларига жавоб бердилар. Конференция қатнашчилари мустақилликни ҳуқуқий ҳимоя этишга муносиб ҳисса қўшиш, ҳуқуқий ислоҳот чоғида, айниқса жиноий жавобгарликка оид қонунларни такомиллаштиришда туб халқнинг тарихий, маънавий қадриятлари, жумладан, шариат талабларига ҳам суянишнинг самарали бўлиши ҳақида фикр билдирдилар.

Ўзбекистон ва Қирғизистон Президентлари И. А. Каримов билан А. А. Акаевнинг шу йил баҳоридаги Ўш учрашувида қабул қилинган яхши қўшничилик, ҳамкорлик ва дўстлик муносабатлари негизида ҳар икки республиканинг адлиячилари ҳам ҳуқуқий ҳамкорлик, ўзаро ёрдам ва ахборот айрибошлаш ҳақида келишиб олдилар. Тегишли битимни Ўзбекистон республикаси адлия вазири М-Б. М. Маликов ва Қирғизистон Республикаси адлия вазири У. М. Муқамбоев имзоладилар.

Адлия раҳбарларининг маслаҳат учрашувларини бундан буён мунтазам асосда йўлга қўйиш ҳақида келишиб олинди.

А. АБДУБАННОПОВ.

БУНЁДКОРЛИК МАРОМИ

Кейинги ўн йилликларда табиий муҳитимизга етказилган зарар жамиятга қимматга тушди. Бухоро вилояти меҳнаткашларини Самарқанднинг ер ости тоза ичимлик суви билан таъминлаш учун қурилаётган қувурнинг умумий қиймати деярли 240 миллион сўмдир. Қурилиш ишларининг бориши алоҳида муҳим иншоотлар қатори жумҳурият Президенти ҳузуридаги Вазирлар Маҳкамаси томонидан назоратга олинган.

Ўтган бир неча йил мобайнида бу ерда катта ҳажмдаги қурилиш-монтаж ишлари амалга оширилди. Айни маҳалда умумий узунлиги 280 километр бўлган сув қувурларининг 224 километридан знёди Дамхўжанинг зилол ичимлик сувини навоийликлар ва бухороликларга узатишга тайёр ҳолга келтирилди. Кенглиги 1400 миллиметр бўлган бундай пўлат қувурлар ҳар кеча-кундузда 300 минг куб метр ичимлик сувни узатишга қодир.

Бу ишга Бухоро ва Самарқанд вилоятларидан кўпдан кўп қурилиш, монтаж, созлаш ташкилотларининг меҳнат жамоалари жалб этилган. Айниқса Навоий қурилиш бошқармаси, Бухоро газ саноати қурилиши, Навоий сув хўжалиги қурилиши трестлари, Аму-Бухоро канали қурилиш бошқармаси меҳнат жамоалари фидокорлик кўрсатишмоқда.

Биз Бухоро газ саноати қурилиши трестининг 2-ихтисослашган бошқармаси механизаторларининг ишини кузатар эканмиз, бунга ишонч ҳосил қилдик. Ҳозир улар сув қувурининг Вобкент районидан ўтадиган қисмида барча ишларни юқори сифат ва тез суръат билан бажаришмоқда. Эҳтиёт қисмларнинг етишмаслиги оқибатида техника воситалари тез-тез тўхтаб қолянти. Лекин мавжуд қувватлардан ва иш вақтидан унумли фойдаланиш эвазига белгиланган режалар ортиғи билан адо этиляпти.

Афсуски, улкан қурилишнинг барча участкаларида ҳам уюшқоқлик бирдай эмас. Яқинда Навоий шаҳар ижроия қўмитасида қурилиш штаби йиғилишида жиддий мулоҳазалар билдирилди. Унда Самарқанд совхозлар трести сув тўплаш иншооти қурилишида сурункали сусткашликка йўл қўяётганлиги таъкидланди. Унинг раҳбарларидан камчиликларни тезда тугатиш талаб этилди. Қурилиш дирекциясининг бошлиғи В. Любовченко иншоотга алоқадор канализация коллекторлари, электр тармоқларидаги иш суръати пастлиги тўғрисида ташвиш билан гапирди.

Штаб шу йилнинг охиригача сув узатиш қувурининг биринчи навбати қурилишини поёнига етказиши керак.

Ана шунда навоийликлар тоза сувдан баҳраманд бўлишади. Бу борада кўп иш қилинмоқда. Лекин тақчиллик шароитида иншоот учун зарур кўп ускуналарни излаб топиш учун катта машаққат чекилмоқда. Масалан, қувурлар учун зарур оддий лўкидонларни олиш учун Қозоғистон Президенти Н. Назарбоевга мурожаат этишга тўғри келди. Маъмурий ва лаборатория бинолари қурилишига алоқадор сув ва газ қувурларини топиш учун эса олтита товар биржаси орқали ҳаракат қилинди.

Шундай бўлишига қарамай қурувчи ва монтажчилар ғайрат кўрсатишмоқда. Янги йилгача қолган муддат мобайнида навоийликларни тоза ичимлик сув билан таъминлаш ҳаракати авжида. Келгуси йил охиригача эса тоза ичимлик сувдан бухороликлар ҳам баҳраманд бўлиши режалаштирилган.

Н. НАИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КЎПРИК ИШГА ТУШИРИЛДИ

Тошкентнинг Куйбишев кўчасидаги темир йўл ўтган жойда янги қурилиш иншоотн ишга туширилди. Бу ишни еттинчи кўприксозлик трестига қарашли 13-кўприксозлик бўлимининг 2-участкаси бунёдкорлари амалга оширдилар.

Узунлиги 630 метр бўлган кўприкни Александр Подгорнов бошиқ кўприксозлар икки йилда қуриб битирдилар. Шу вақт мобайнида ҳаммаси бўлиб 3 миллион 900 минг сўмлик маблағ ўзлаштирилди. Ишбошилар Вячеслав Андреев, Равшан Абдуяминов ва Иван Сава, Зокир Темирхўжаев каби ишчиларнинг меҳнати туфайли бунёд этилган бу кўприк темирйўл устидан ўтган транспорт ҳаракатида анча қулайлик яратди.

С. УМАРОВ.



«ШИРИНЛИК» ФОЙДА КЎРМОҚДА

● НАМАНГАН вилоятининг Тўрақўрғон районида иш бошлаган «Ширинлик» комбинати йил бошидан буён 4 миллион сўмликдан знёд фойда олди. Бу комбинат қуруқ мевалар ишлаб чиқаришга ихтисослаштирилган. Кўрилган фойданнг ярми чет эт дастгоҳларини сотиб олишга кетган қарзни қоплашга ишлатилса, бир қисми ишчи ва меҳнатчиларнинг маданий-маиший шароитларини яхшилашга сарфланади. Ҳозир комбинатда 360 ўринли ошхона, қандолатчилик цехи ва чойхона ишлаб турибди. Корхона ўз болалар боғчасига ҳар йили 200 минг сўмдан знёд маблағ ажратмоқда.

СУРАТЛАРДА: комбинат маҳсулотлари кўргазмасида. Лаборатория мудири М. Назарова ва маҳсулот қуритиш цехи бошлиғи Н. Жалолов. Ўнгдаги суратда эса чилангар Ҳусан Муродхўжаев (чапда) ва уста Тўлқин Сатторов.

А. КОВТУН (ЎзТАГ) олган суратлар.

• Иқтисодиёт ва ҳалқаро алоқалар

ЭРТАНГИ КУННИ ЎЙЛАБ

Турғун Бегижоновни рўзномамиз қабулхонасига кираверишда учратиб қолдим. Фарғона вилоят савдо бошқармасининг тижорат маркази директори бўлиб ишлайдиган бу тажрибали савдо ходими ҳар ғалгидай шошиб бир томонга жўнаётган экан. Кейинги пайтларда унинг савдо ишлари билан чет элларга ҳам бориб келаётганидан хабардор эдим. Шу боис тижорат марказининг шу бугунги ишлари билан қизиқдим.

— Савдо ёмон эмас. Ўзингиз биласиз, чет эл моллари туриб қолмайди. Бешта дўконимиз бор. Уларда йилига 20 миллион сўмлик турли моллар сотилади. Атторлик маҳсулотларидан тортиб тайёр кийимкечаккача олиб келамиз. Аммо ҳозирги ташвишим ўзгача, вақтингиз бўлса озгина суҳбатлашсак, — деб қолди у.

Дарҳақиқат, тижорат дўконларига бир кириб чиққан одам бу борада анчамунча иш қилинаётганлигини кўради. Албатта, нархлар масаласи бошқа гап... Лекин четдан фақат тайёр маҳсулот олиб келиб сотиш бугунги кун даромадини беради, холос. Ахир қачонгача Ғарб ва Япония фирмалари маҳсулотларини нархига ҳам қарамай талашиб-тортишиб олаверамиз. Хом ашё, ишчи кучи, мутахассислар ўзимизда етарли бўлгани ҳолда нега энди биз четга фақат хом ашё чиқарадиган республика бўлиб қолаверишимиз керак? Турғун Бегижонов савдода мол алмашиш усули тарафдори. Аммо у ҳозир кўпгина савдо ташкилотлари, йирик корхоналарда урф бўлаётганидек, хом ашёга видеомагнитафон, кўйлак ёки туфлилар алмаштириш эмас, балки пахта толаси, жун, пилла ва бошқа маҳсулотлар эвазига замонавий чет эл техникаси ва технологиясини келтириш тарафдори. Яқинда у Италиянинг Пиза шаҳридаги «Теккерн Энд Текнолоджи» фирмаси билан алоқа боғлади. У раҳбарлик қилаётган тижорат маркази шу фирма билан ҳамкорликда Фарғонада қўйэчки ва мол терисини қайта ишловчи замонавий кўн заводи қурадиган бўлди. Фирма президенти жаноб М. Бертелли маҳсулот ишлаб чиқариш ва кимёвий жараёнларда қўлланиладиган замонавий «Ноу—хау»ва технологияни келтириб ўрнатишни ўз зиммасига олди. Лойиҳага кўра заводда 100 минг дона мол ва 80 минг дона қўй-эчки терисини қайта ишланади. Тайёр теридан эса турли пойабзаллар, чарм пўстинлар, сумка, камар ва бошқа маҳсулотлар ишлаб чиқариш мумкин.

— Қардош Қирғизистоннинг Ўш ва Жалолобод вилоятлари матлубот жамиятлари бизга етарли даражада тери етказиб беришни ваъда қилдилар, — дейди Т. Бегижонов. — Тўғри, завод ишга тушгач, дастлабки вақтларда қайта ишланган терининг бир қисми Италияга олиб кетилади. Аммо кейинчалик завод ўзимизга қолади. Унинг афзал томонлари кўп. Ахир канча одам иш билан таъминланади. Жаҳон бозорида маҳсулотимизга харидор кўпаяди. Биз бу бозорга энди нафақат хом ашё, балки жаҳон андозалари даражасидаги пишиқ-пухта, бежирим маҳсулотлар чиқариб, рақобатбоп шерик бўла оламиз...

Кўпгина саноат корхоналари маънавий ва жисмоний жиҳатдан эскирганлиги маълум. Фарғонада бундай корхоналар айниқса кўп. Улардаги асбоб-ускуналар ва технология ҳозир тўкилиб қолиш даражасида турибди. Шундай пайтда чет эл технологиясини келтириб, уларни реконструкция қилиш энг долзарб масаладир. Афсуски, хориж бозорига чиқаётган кўплаб корхоналар омборларига чет элдан янги технологиялар эмас, балки тайёр кийим-кечак, кассеталару, «Тойота» машиналари оқиб келаяпти. Масалан, «Фарғона» ассоциацияси ўтган йили чет эл валютаси эвазига вилоятга кўп миқдорда видеомагнитафонлар олиб келди. Бу ҳақда матбуотда, жамоатчилик орасида кўпгина танқидий фикрлар билдирилди. Зеро, биз учун ҳозир энг зарур нарса видеомагнитафон эмас. Албатта, дўконларимизда моллар камёблиги шароитида кийим-кечак, пойабзал ва озиқ-овқат маҳсулотлари келтириш айб ҳисобланмайди. Аммо узоқни кўзлаган ишбилармонлар Ғарб технологияси асосида катта-кичик корхоналар қуриш йўлидан бормоқдалар. Бу, бизнингча, энг тўғри йўлдир. Олтиариқ районида таниқли тадбиркор Маматожи ота Иброҳимов мутасаддилигида Франция фирмалари билан ҳамкорликда йирик жун ювиш фабрикаси қурилмоқда. Фабрика битиб ишга тушгач, ҳозиргача республикамиздан ташқарига олиб кетилаётган 40 минг тонна жун ўзимизда қайта ишланиб, ярим тайёр ва тайёр маҳсулот сифатида жаҳон бозорига чиқарилади. Вилоят маҳаллий саноат бошқармаси Хитойдан туника ва пластмасса идишлар ишлаб чиқариш технологияси, велосипед заводи, трикотаж фабрикаси қуриш учун ускуналар келтириш юзасидан шартномалар тузди. Бошқарма бошлиғи К. Салоҳиддинов Хитой Халқ Республикасида бўлиб, Фарғонада бир неча қўшма корхоналар қуриш ҳақида шартномалар тузиб қайтди.

Марғилондаги «Атлас» ишлаб чиқариш бирлашмаси билан Туркиянинг «Адалилар» фирмаси ўртасида йилига 10 миллион погонметр газлама ишлаб чиқарадиган бўёқлаш-пардозлаш корхонаси қуриш ҳақида келишиб олинди. Шартномага мувофиқ Туркия томони корхонага технологик ускуналар ва бўёқлар етказиб беради. Айни кунларда корхона қурилиши бошлаб юборилиши арафасида.

Бирлашмада ишлаб чиқарилаётган хонатласнинг сифатини ошириш ва уни жаҳон бозорида ҳам харидоргир қилиш йўлларини излашмоқда. Шу мақсадда АҚШ пойтахти Вашингтон шаҳридаги «Гувдил Трейдинг» фирмаси билан алоқалар йўлга қўйилган. Фирма ўзбек бирлашмасининг хонатлас ва бошқа газламаларини АҚШ ҳамда Канадада сотиш, бу маҳсулотларнинг рекламасини ташкил этишни ўз зиммасига олаяпти.

— Бугунги кун режаси билангина яшаш гуноҳдир, — дейди олтиариқлик машҳур тадбиркор Маматожи ота Иброҳимов. — Биз авлодларимизни ҳам ўйлашимиз, улар учун зарур моддий ва маънавий бойликлар қолдиришимиз даркор. Республикамиз ҳудудида замонавий саноат корхоналари қуриш, унда чет эл технологиясидан фойдаланиш, уларда ишлайдиган юқори малакали мутахассислар тайёрлаш — Ўзбекистонимиз мустақиллигининг таг заминини мустаҳкамлашнинг асосий шартларидан биридир.

А. ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

МАРКАЗИЙ ЎЙИНГОҲЛАР

ҚАМАШИ районида фойдаланишга топширилган марказий ўйингоҳга енгил атлетика бўйича республика чемпиони Нормурод Баратов номи берилди. У Қашқадарё вилоятида физкультура ва спортни ривожлантиришга катта ҳисса қўшган кишилардан бири эди.

Мангит қишлоғида ташландиқ сойлик ўрнида катта спорт кошонаси барпо этилди. Иншоот қурилиши Карл Маркс номли давлат хўжалиги маъмурияти ташаббуси билан бошланган эди. Хўжалик қурилишни маблағ билан таъминлашга хомийлик қилди. «Чимқўрғон», «Гисарагидрострой», 239 ва 240-механизациялашган кўчма колонна бунёдкорлари ўйингоҳни муддатидан илгари қуриб битказдилар.

Шунингдек, Ульянов райони марказида барпо этилган ўйингоҳ ҳам спорт беллашувларини ўтказиш учун барча қулайликларга эга. Бу ерда «Каршистрой» бошқармасининг тажрибали бинокори Арслон Аъламов бошлиқ 15-механизациялашган кўчма колоннаси қурувчилари қарийб 1 миллион сўмлик қурилиш-монтаж ишларини амалга оширдилар. Марказий ўйингоҳга «Дўстлик» номи берилди.

М. КАРОМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Барча турдаги хусусий мулкчилик корхоналари раҳбарлари

ДИҚҚАТИГА!

Янги ташкил этилган «Термиз» кўп тармоқли мол хом-ашё биржаси корхоналар ва ташкилотларга ўзининг даллоллик (брокерлик) хизматини

ТАКЛИФ ЭТАДИ

Ҳуқуқий ва жисмоний бақувват шахсларга охирги даллоллик ўринларини

СОТАДИ

20 декабрда чет эллик шериклар билан ДАСТЛАБКИ САВДО-СОТИҚ ИШЛАРИ

ва кўргазмаси ўтказилади.

Омадингизни синаб кўришга шошилинг!

Биз Сизларни чегара яқинидаги Термиз шаҳрида кутамиз.

Биз Сизларни мамнун эта оламиз!

«Термиз» мол-хом-ашё биржаси — Ўзбекистон Республикаси «Тошкент» мол-фонд тижоратгоҳи қарамоғидаги корхонадир.

Манзилгоҳимиз: Термиз шаҳри, Ат-Термизий кўчаси, 1-уй.

Телефонлар: 4-69-07, 4-43-06, 4-65-39.

Чархий таваллудининг 90 йиллигига

УЧ ЧИНОРНИНГ БИРИ

Нақл қилишларича, Чархий домла Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Қўқон бўлимининг масъул котиби этиб тайинлангач, Ҳамид Олимжон ташаббуси билан унинг ишхонасига телефон тушириб берилган. Телефон ҳар сафар жиринглаганида унинг қулоғидан фақат ўрисча сўзлар чиқаверибди. Домла у пайтлар ўрисчага хийла нўноқроқ экан, муносиб жавоб қайтаролмай, телефон жиринглаши билан хонадан ғизиллаб чиқиб кетадиган бўлибди. Бу воқеадан дарак топган кишилардан бири:

— Домла, нега телефон сайраши билан чиқиб кетасиз? — деб сўраган экан у жавоб берибди:

— Қачон қулоғини кўтарсам, кимдир ўрисчалаб бижирлагани бижирлаган. Гапига тушунмасам, нима қилай!

— Ўрисчага тушунмасангиз, қулоғини кўтармай қўя қолмайсизми? Хонадан чиқиб нима қиласиз.

— Эй, барака топкур, — дебди Чархий домла, — хонада ўтирганимни билиб, «Қулоғингга тош битганми, нега кўтармайсан?» демайдими? Яхшиси, мени йўқ экан, деб ўйласин.

Чархий домла қўнғироқ қилган одам кўриб ҳам туради, деб ўйлар экан...

Мен Чархий домла тўғрисида ўйлаганимда ҳар сафар ана шу воқеа хотирамда жонланади. Бу ўта содда ва камтарин, ўта олижаноб ва покдомон инсон мумтоз адабиётимизнинг бизга ҳамнафас бўлган энг сўнгги вакили, совет даври ўзбек адабиётини Муқимий ва Фурқатлар билан боғлаган олтин ҳалқа эди. Биз Ҳабибий, Собир Абдулла ва Чархий барҳаёт кезларида бу уч азамат чинорнинг ўзбек мумтоз адабиётининг сўнгги нафаси бўлиб яшаганини англамай, улар ижодини ҳам советлаштиришга уриндик. Ваҳоланки, совет даври ўзбек адабиёти бу уч пурвиқор чинор туфайли ўзининг қадимий илдизларини сақлаб келаётган эди.

Асқарали Ҳамроали ўғли Чархий — машҳур Қўқон адабий муҳитининг сўнгги намояндаси. У узоқ йиллар давомида Муқимий уй-музейида ишлаб, устозининг муборак шамини ёқиб ўтирди. Назаримда, у Ҳабибий ва Собир Абдулла сингари қаламкаш дўстлари билан совет даври ўзбек адабиётида мумтоз шоирларимиз чироғини порлатиб турди, уларнинг ҳаётбахш шуъларидан гоҳ рус, гоҳ испан, гоҳ Болтиқ бўйи шоирларига эргашган адабиётимизни баҳраманд этди.

Чархий Қўқоннинг Сарбаҳодир маҳалласида тўқувчи-косиб оиласида дунёга келди. Унинг отаси Ҳамроали фарзандининг ёшлигиданоқ шоир бўлишини, Муқимий, Фурқат ва Завқийларнинг муносиб издоши бўлишини орзу қилди. Шу ниятда у ёш Асқаралини жадид мактабига ўқишга берди. Унинг Қўқон аҳли ўртасида Муслимби отин исми билан машҳур бўлган онаси ўқимишли аёл бўлиб, Асқаралига саккиз ёшдан бошлаб шеър ёдлаш ва ёзиш илмини ўргатди. Отаси эса бўш вақтларида унга хуснихатдан сабоқ берди. Шундай қилиб, Асқарали онасидан шоирликни, отасидан эса хуснихатни ўрганди.

«Мен 16 ёшимдан бошлаб, — деб ёзган эди шоир таржимаи ҳолида, — Ҳофиз Шерозий, Саъдий, Бедил ғазаллари билан таниша бошладим. Ўша вақтдаги кекса шоирлардан Сулаймонқул Розий, Мирзоий Хўқандий ва Мўминжон Мақсадларга яқинлашиб, улардан шеърият қоидаларини ўргандим. Шоир Мақсад ва Мирзоий Хўқандий ҳажвий шеърлар ёзишда анчагина моҳир соҳиби қалам эдилар. Уларнинг ҳажвиётлари мени анчагина ўзига тортган эди».

Шоирнинг отаси тўқувчи ва косиб бўлгани учун у ўзига Чархий тахаллусини танлаб олди ва Октябрь инқилобидан сўнг ёза бошлаган ғазалларига шу тахаллус билан имзо чекди. У ўзининг дастлабки ғазалларида Фузулий, Муқимий, Фурқат сингари Қўқонда айниқса машҳур бўлган шоирларга эргашди, уларни ўзига пир деб билди, улардан мадад олди.

Шоир, унинг назарида улуғ бир сиймо, табаррук бир инсон бўлгани учун узоқ йиллар мобайнида ўз ғазал ва ҳажвияларини эълон қилишга журъат этмади. Аммо Чархийнинг сўлим ғазалларидан хабар топган ҳофизлар уларга куй басталаб, тўй-тантаналарда айтадиган бўлдилар ва камтарин шоирни элу юртга танитдилар. Шу тарзда унинг устозлар, шеърият вакиллари ва Завқийларнинг шеърлари ёзишда анчагина моҳир соҳиби қалам эдилар. Унинг ҳажвиётлари мени анчагина ўзига тортган эди».

Шоирнинг отаси тўқувчи ва косиб бўлгани учун у ўзига Чархий тахаллусини танлаб олди ва Октябрь инқилобидан сўнг ёза бошлаган ғазалларига шу тахаллус билан имзо чекди. У ўзининг дастлабки ғазалларида Фузулий, Муқимий, Фурқат сингари Қўқонда айниқса машҳур бўлган шоирларга эргашди, уларни ўзига пир деб билди, улардан мадад олди.

Шоир, унинг назарида улуғ бир сиймо, табаррук бир инсон бўлгани учун узоқ йиллар мобайнида ўз ғазал ва ҳажвияларини эълон қилишга журъат этмади. Аммо Чархийнинг сўлим ғазалларидан хабар топган ҳофизлар уларга куй басталаб, тўй-тантаналарда айтадиган бўлдилар ва камтарин шоирни элу юртга танитдилар. Шу тарзда унинг устозлар, шеърият вакиллари ва Завқийларнинг шеърлари ёзишда анчагина моҳир соҳиби қалам эдилар. Уларнинг ҳажвиётлари мени анчагина ўзига тортган эди».

Шоирнинг отаси тўқувчи ва косиб бўлгани учун у ўзига Чархий тахаллусини танлаб олди ва Октябрь инқилобидан сўнг ёза бошлаган ғазалларига шу тахаллус билан имзо чекди. У ўзининг дастлабки ғазалларида Фузулий, Муқимий, Фурқат сингари Қўқонда айниқса машҳур бўлган шоирларга эргашди, уларни ўзига пир деб билди, улардан мадад олди.

Шоир, унинг назарида улуғ бир сиймо, табаррук бир инсон бўлгани учун узоқ йиллар мобайнида ўз ғазал ва ҳажвияларини эълон қилишга журъат этмади. Аммо Чархийнинг сўлим ғазалларидан хабар топган ҳофизлар уларга куй басталаб, тўй-тантаналарда айтадиган бўлдилар ва камтарин шоирни элу юртга танитдилар. Шу тарзда унинг устозлар, шеърият вакиллари чоп этила бошлади. Шундан кейин унинг бутун ҳаёти шеърият билан чамбарчас боғланди.

Қўқон шоирларининг пешқадами Муқимий оламдан ўтганда унинг бўлажак издоши эндигина тўрт ёшга кирган эди. Тўрт ёшли бола Муқимийни кўрмаган бўлиши, кўрганда ҳам унинг сиймосини мурғак хотирасида сақлаб қололмаслиги табиий. Лекин Чархий ўз ҳаётининг аксар қисмида устоз хотирасини эъзозлаш, шеърий анъаналарини давом эттириш, замондошлари ҳаётига Муқимий назари билан қарашга уринди.

Чархийнинг ҳаёт ишқи билан товланган, бу кўҳна дунёнинг ташвиш ва қувончларини симирган ғазаллари қўшиқ шаклида ҳар бир ўзбек хонадонига ва ҳар бир ўзбек қалбига кириб, бу қалб ва бу хонадонни нурга тўлдирди.

Мусиқийлик — ўзбек мумтоз шеъриятининг бир-ламчи фазилати. Аруз вазнида ижод қилувчи шоир мусиқани шак-шубҳасиз ҳис этиши, сўзни рубоб торлари сингари чертиб, янгратиб, куйлатиб юбора билиши лозим. Чархий ўз устозларидан ана шу санъатни мукаммал ўрганди.

Аруз вазни силсиласида, хусусан, ғазал турларида ижод қилган совет даври шоирлари устозлардан фарқли ўлароқ янги давр билан боғлиқ мавзуларни, совет кишиларининг маънавий олами билан боғлиқ масалаларни ўз шеърларига олиб кирдилар. Аруз улар ижоди туфайли кишиларда ватанпарварлик ва меҳнатсеварлик ғояларини, инсоний гўзаллик ва поклик туйғуларини тарбиялашга, улар қалбига эзгулик уруғларини сочишга хизмат қилди.

Чархийнинг ҳаёт йўли оддий меҳнаткаш инсоннинг ҳаёт йўлидир. Ўзининг меҳнат фаолиятини Қўқондаги «Қувват» артелида гулабардорликдан — матога гул босишдан бошлаган Асқарали Ҳамроалиев Алишер Навоийнинг 500 йиллик юбилейини ўтказиш бўйича тузилган қўмитада ҳаттотлик қилди, Қўқондаги Ҳамза номли театрда адабий эмакдош, 1950 йилдан то умрининг охиригача Қўқон адабиёт музейи ва Муқимий уй-музейида илмий ходим бўлиб ишлади. Унинг бутун меҳнат фаолияти кишилар дилидаги гулни — гўзаллик гулини, эзгулик ва муҳаббат гулини парвариш этиш, унга ранг бериш, баҳор чечаклари атрини бағишлаш бўлди. Шунинг учун ҳам ўзбек халқи унга ўз ҳурматини изҳор қилиб, «Халқ шоири» унвонини берган.

Бугунги кунда, Чархий таваллудининг қутлуғ 90 йиллиги нишонланаётган айёмда шоирнинг қуйидаги мисраларини жиндек ўзгартириб, ўқигим келади. У ёзган эди.

Қайдасиз, устоз Чархий,
очди гуллар боғингиз,
Жамланди маърифатли
дўстингиз, ўртоғингиз.

90 ёшга тўлган шоир ўзбек шеърияти бўстонида ўзининг иккинчи умрини кечирмоқда.

Наим КАРИМОВ.

СПОРТ

ТОШКЕНТ РИНГИДА

● **ЎЗБЕКИСТОН Республикаси пойтахтида халқаро мусобақанинг бошланишига қизғин ҳозирлик кўрилди. Бугун «Юбилей» спорт саройида чарм қўлқоп усталарининг халқаро мусобақаси тантанали суратда очилади. Дастлабки баҳслар бошланади.**

Халқаро мусобақани ўтказиш учун Тошкентнинг танланиши бежиз эмас. Маълумки, Ўзбекистонда спортнинг бокс тури оммавий бўлиб, унга қизиқувчилар сафи тобора кенгайиб боряпти. Мухлислар жаҳон, Европа чемпионлари ва совриндорлари бўлган Руфат Ризқиев, Николай Анфимов, Гамлет Илёсов, Артур Григорьян каби боксчилар билан ҳақли равишда фахрланадилар.

Бугун бошланадиган халқаро мусобақада эса Туркия, Финляндия, Румния, Болгария, Куба, Венгрия, Швеция, мамлакат ва Ўзбекистон терма жамоаларининг иштирок этиши кўзда тутилган. Мусабақага республикамиз боксчилари ҳам пухта ҳозирлик кўришди. Мутахассислар И. Бердиев, Х. Зокиров, В. Ҳайитов каби спортчиларга катта умид боғлаб туришибди.

ЎРИНБОСАРЛАР ЮТУҒИ

● **БРЕСТ шаҳрида чим хоккей бўйича ўсмирлар ўртасида Бутуниттифоқ турнири ўтказилди.**

Мусобақада Андижондаги олимпиада ўринбосарлари мактаби жамоаси иштирок этиб ажойиб ютуққа эришди. Р. Маллаказин устозлик қилаётган чим хоккейчилар учрашувларни кўтаринки руҳда ўтказиб, жамоа ҳисобида биринчиликни қўлга киритишди. Андижонлик хоккейчиларнинг бу ютуғи республикамизда спортнинг мазкур тури тобора оммавийлашиб, маҳоратли спортчилар сафи кенгайиб бораётганини кўрсатди.

МУНОСИБ ҲИССА

● **ЭРОНДА ёшлар терма жамоалари ўртасида футбол бўйича халқаро турнир ўтказилди.**

Мамлакат терма жамоаси «Барга» (4:0), «Мерсад» (2:0) ва Эрон ёш футболчиларини 2:0 ҳисобида мағлубиятга учратиб, ғалаба қозонишди. Бу муваффақиятга терма жамоамиз сафида иштирок этган пахтакорчи М. Қосимов ҳам муносиб ҳисса қўшди.

ЭЪЛОН ВА БИЛДИРУВЛАР

Р. Р. ШРЕДЕР НОМИДАГИ БОҒДОРЧИЛИК, УЗУМЧИЛИК ВА ВИНОЧИЛИК ИЛМИЙ-ТАДҚИҚОТ ИЛМГОҲИ **«МЕВАЧИЛИК ВА УЗУМЧИЛИК» МУТАХАССИСЛИКЛАРИ БЎЙИЧА**

кундузги ва сиртқи аспирантураларга

ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ

Ишлаб чиқариш мутахассисига охирги иш жойидаги лавозимининг маоши миқдори бўйича стипендия тўлаш билан битта жой ажратилган.

Ҳужжатлар қуйидаги манзилга жўнатилсин: 700000, Тошкент шаҳри, Бош алоқа бўлими (Главпочтамт) 16-абонент қутиси.

Маълумотлар олиш учун телефонлар: 24-96-28, 24-24-42.

САВДО, УМУМИЙ ОВҚАТЛАНИШ, МАИШИЙ ХИЗМАТ КЎРСАТИШ ВА БОШҚА ХАЛҚ ХЎЖАЛИГИ ТАРМОҚЛАРИНИНГ РАҲБАРЛАРИ ВА МУТАХАССИСЛАРИ

ДИҚҚАТИГА!

ЭРТАГА СИЗНИНГ КОРХОНАЛАРИНГИЗ ВА УНИНГ ТАРКИБИЙ ТУЗИЛМАЛАРИНИ ДАВЛАТ ТАСАРРУФИДАН ЧИҚАРИШ ВА ХУСУСИЙЛАШТИРИШ КУТМОҚДА.

ХУСУСИЙЛАШТИРИЛГАН КОРХОНАЛАР УЧУН МУТАХАССИСЛАРНИ ҚАЕРДАН ОЛАМИЗ?

ҚАЕРДАН?

Ўзбекистон Республикаси Савдо вазирлигининг кўп ихтисосли МЕНЕДЖЕРЛАР МАКТАБИ бизнес, менежмент, маркетинг ва ҳуқуқий таъминот соҳасидаги мутахассисларни тайёрлашга ёрдам беради.

МАКТАБ БИР, ИККИ, ОЛТИ ВА ЎН ОЙЛИК ДАСТУРЛАР БЎЙИЧА ТАЪЛИМ КУРСИНИ ЎТИШНИ ТАВСИЯ ҚИЛАДИ.

ТАЪЛИМ ШАКЛЛАРИ: ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда кундузги ва ишлаб чиқаришдан ажралмаган ҳолда — сиртқи бўлиб, ўқиш ўзбек ва рус тилларида олиб борилади.

Ўқиш жараёни давомида Сиз Тошкент, Киев, Санкт-Петербург шаҳарларининг олимлари ва етакчи амалиётчи-мутахассислари ҳамда муваффақиятли тижорат фаолияти соҳасида бой тажрибага эга бўлган чет эл тадбиркор ишбилармонларининг аниқ, муайян тавсияномалари билан танишасиз.

Мактабдаги таълим дастури қуйидаги мавзуларни ўз ичига олади: давлат корхонасини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш; бозор шароитларида менежмент; маркетинг асослари; хусусий компьютерларда ишлаш, қўшма тадбиркорлик; ижарачилик, акционерлик, кичик корхоналарни барпо этиш; бизнес руҳшунослиги ва этикаси; тадбиркорлик фаолиятининг ҳуқуқий таълимоти; мол биржалари ва брокерлик фаолияти; хусусийлаштирилган корхоналарда ёлланма меҳнатни ташкил қилишнинг ўзига хос томонлари; бозор шароитларида тадбиркорлик фаолияти стратегияси ва тактикаси; хизматга оид инглиз тили; ўзбек тили;

Тўлиқ курс бўйича таълим олган шахслар ташкилотчи-менеджер малакаси берилган ҳолда ўзбек, рус ва инглиз тилларидаги сертификат берилади.

ТАЪЛИМ ЮҚОРИДА КЎРСАТИЛГАН ФАНЛАРНИНГ ТЎЛИҚ ТУРКУМИ БЎЙИЧА ҲАМ, ШУНИНГДЕК, ҚУЙИДАГИ АЛОҲИДА МАХСУС КУРСЛАР БЎЙИЧА ҲАМ АМАЛГА ОШИРИЛИШИ МУМКИН:

Савдода (бошқа тармоқларда) **менежмент — 108 соат.**
Корхоналарда маркетинг фаолияти—72 соат.
Давлат корхоналарини давлат тасарруфидан чиқариш ва хусусийлаштириш — 72 соат.
Компьютерлар соҳасидаги саводсизликка барҳам бериш — 108 соат.
Бозорга ўтишни ҳуқуқий жиҳатдан таъминлаш — 73 соат.
Биржалар ва уларнинг фаолият кўрсатиш механизмлари — 138 соат.
Ҳисобчиларни бозор иқтисоди шароитларида ишлашга тайёрлаш — 108 соат.
Савдо ва умумий овқатланиш корхоналарининг иқтисодчилари ва бўлим бошлиқларини бозор иқтисоди шароитларида ишлашга тайёрлаш — 108 соат.
Хизматга оид инглиз тили — 600 соат.
Ўзбек тили.

ФАНЛАР САЙЛАНМА БЛОК ТАРТИБИДА ЎҚИТИЛГАНДА ГУВОҲНОМА БЕРИЛАДИ.

Бошқа шаҳардан келган тингловчилар турар-жой ва овқат билан таъминланадилар.

ЎҚИШ ҲАҚИ — ШАРТНОМАВИЙ НАРХЛАРДА ТЎЛАНАДИ.

ТИНГЛОВЧИЛАР ЙИЛ БЎЙИ ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИЛАР.

Машғулотлар — гуруҳлар тўлишига қараб бошланади.

Ўқиш ҳақини мактабнинг банкдаги ҳисоб рақамига ўтказиш орқали ёки нақд пул билан тўлаш мумкин.

Мактаб реквизитлари: Банкнинг почта индекси — 700000, Ҳисоб рақами — 000609536, МФО 172682313, Тошкент шаҳар саноат-қурилиш банкида, ўзаро алоқа боғлаш ҳисоб рақами 300166813.

Машғулотлар қуйидаги манзилларда ўтказилади: Тошкент шаҳри, 173-алоқа бўлими, Акмал Икромов райони, Собир Юсупов кўчаси, 3-уй. Ўзбекистон Республикаси савдо вазирлигининг малака ошириш илмгоҳи.

Тошкент шаҳри, Куйбишев райони, Луначарский узун кўчаси, 115-уй (метронинг «М. Горький майдони» бекати, «Саёҳат» меҳмонхонаси, ҳовли томондан кирилади).

Тошкент шаҳри, Чилонзор райони, ССЖИ ДОСААФнинг Тошкент ҳудудидий курслари — Халқлар дўстлиги шоҳкўчаси, 28-уй (метронинг «Чилонзор» бекати).

Мулоқот телефонлари — асосий: 74-24-09, 75-37-97, 67-85-36;

қўшимча: 67-84-02, 62-35-79.

Эшитмадим деманглар

РЕСПУБЛИКАДА

ҲАМКОРЛИК КОРХОНАСИ

● **«Ўзбекчикин» Совет-Америка қўшма корхонаси бўйича янги цех учун пойдевор қўйилди.**

Замонавий цех корхонанинг Фарғона филиали Чимён посёлкасида қад ростлайди. Бу ерда дудланган гўшт, колбаса маҳсулотларини тайёрлаш йўлга қўйилади. Голландиядан сотиб олинган асбоб-ускуналарнинг ўрнатилиши туфайли унумдорлик ошади.

Икки йилдан сўнг корхона тўла қувват билан ишга туширилади. Ҳар куни уч-тўрт тонна маҳсулот тайёрлаш имкони юзага келади.

Корхона учун зарур хом ашёни қаердан олиш керак? Бу масала ҳам ойдинлашди. Корхонанинг ёрдамчи хўжалиги ташкил этилди. Ҳозир 102 бош қўй, 70 бош қорамол боқилмоқда.

ОМАД КУЛИБ БОҚҚАНДА

● **Чиққан ютуққа рўзғор буюмлари ёки пул эмас, балки от, туя, қўчқор, ғунажин берилса-чи? Ҳақиқатан шундай лотерея ўйинини ташкил қилиш мумкин-ку!**

Ғиждувон район деҳқончилик саноат уюшмаси ташкил этган лотерея ўйини кўпчиликда катта қизиқиш уйғотди. Пул қадрсизланиб, чорвачилик маҳсулотларига эҳтиёж ортиб бораётган шу кезларда лотерея ўйинини ташкил қилиш фойдадан ҳоли бўлмади. Тушган фойда районда чорвачиликни ривожлантириш учун сарфланади.

МАМЛАКАТДА

МУСТАҚИЛ ДАВЛАТЛАР ҲАМДЎСТЛИГИ

● **Минскда Беларусь Республикаси, Россия Федерацияси ва Украина раҳбарлари мустақил давлатлар ҳамдўстлиги тузиш тўғрисида битимни имзоладилар.**

Битимга собиқ ССР Иттифоқининг барча аъзолари, шунингдек, ҳужжатнинг мақсад ва қоидаларига рози бўлган бошқа давлатлар қўшилишлари мумкин. Минск шаҳри ҳамдўстликнинг мувофиқлаштирувчи идоралари турадиган жой деб танланди.

Юқорида номлари саналган республикаларнинг ҳукуматлари Минск шаҳрида иқтисодий сиёсатларни мувоқифлаштириш тўғрисида баёнот қабул қилишди.

Баёнотда айтилишича, халқ хўжалигидаги аҳволни барқарорлаштириш, иқтисодий тикланиш мақсадида шароит яратиш учун давлатларимиз ўртасида қарор топган мустаҳкам иқтисодий алоқаларни сақлаб қолиш ва ривожлантириш зарур.

ХАЛҚЛАР ДЎСТЛИГИ УЮШМАСИ

● **Москвада «Мамлакатимиз халқлар дўстлиги учун» деб аталган уюшма тузилди.**

Совет тинчлик жамғармаси, Халқлар дўстлиги театри ҳамда «Гласность» ҳафтаномаси ташкил этган ҳаракатнинг асосий вазифаси миллатлар ва элатлар вакиллари ўртасидаги қардошлик ва ҳамкорлик муносабатларини қарор топтиришдан иборатдир.

Абхазияда халқлар дўстлиги кунлари бошланади. Шу тадбир билан уюшма ўз фаолиятини бошлайди. Кейинчалик Карелия, Ёқутистон, Волгабўйи меҳнат жамоалари билан учрашувлар мўлжалланган.

ХОРИЖДА

БАРҚАРОРЛИККА ҲИССА

● **Хитой олдида мислсиз вазифа турибди.**

1,16 аҳолини озиқ-овқат, кийим-кечак ва уй-жой билан таъминлаш керак. Бу вазифани бажариш Хитойнинг Осиёда ва бутун дунёда барқарорлик ишига қўшган ҳиссаси бўлади.

ХКП Марказий Комитети Бош котиби Цзян Цзэминь Италия христиан-демократик партияси парламент гуруҳи делегацияси билан учрашувда шу гапни айтди.

РАҚИБЛАР АНИҚЛАНДИ

Маълумки, 1994 йилда Америка Қўшма Штатларида жаҳон биринчилиги учун чарм-тўп ўйинлари ўтказилади. Асосий беллашувларга йўлланма олиш учун эса саралаш учрашувлари бўлди.

Мамлакатимиз футболчилари Венгрия, Греция, Исландия, Люксимбург ва Югославия командалари билан саралаш ўйинларида беллашишади.

Учрашувлар икки даврада, 1992 йилнинг биринчи мартидан бошлаб 1993 йилнинг 17 ноябригача ўтказилади.

ФИФА ТАНЛОВИ ҒОЛИБИ

● **Германия командасининг ўйинчиси Лотар Маттеус шу йилнинг энг маҳоратли футболчиси деб тан олинди.**

Жаҳон футбол уюшмаси ўтказган анъанавий саволларга жавоб қайтарган журналистлар баҳосига кўра у 128 очко олди.

Совет футболчиларидан Алексей Михайличенко 3 очко билан 25-31 ўринларни бўлишиб олди.

(Ахборотлар туркумини тайёрлашда ТАСС, ЎзТАГ ва марказий рўзномалар хабарларидан фойдаланилди).

ФОТОКОНКУРС—91

Отни миниш навбати, сенга жоним бўтам... И. ХУЖАЕВ олган сурат.

ИНСОН ВА УНИНГ ИШИ

ОИЛА ДАРОМАДИ

Меҳнат фахрийси Ўлмасбой Рўзиматов «Москва» давлат хўжалигидан уч гектар ерни ижарага олди.

Тажрибали боғбон Ў. Рўзиматов анчадан бери анор етиштириш билан шуғулланади, унга жуда меҳр қўйган. Ўз боғида анорнинг энг яхши навларини ўстириб, ҳосилини териб олмоқда. Оиланинг йигирма сотихли томорқасида фақат анор парваришланмоқда. Ҳар йили бу боғда яхши ҳосил бўлади ва ҳар куз фасли Ўлмас ота кўпдан-кўп дўстлари, қариндош-уруғлари, қўшнилари билан ана шу ҳосилни баҳам кўради. Ортиқчасини эса бозорга олиб чиқиб сотади.

Дарвоқе, худди ана шу нарса оила даромадининг асосий манбаи ҳисобланади. Ўлмас Рўзиматов парваришлаб етиштираётган анорлар ўзининг катталиги ва нихоятда мазалилиги билан ажралиб туради. Шу сабабли унинг анорлари қўлма-қўл бўлиб кетади.

Эндиликда боғбон катта боғ яратишни ўйлаб қолди. Бу боғ Ўлмас ота яшаётган хўжаликдаги барча аҳолининг кунига ярайди. Поп районидаги бошқа баъзи жамоа ва давлат хўжаликларида буни эшитиб, шундай иш қилишга қарор қилдилар. Қўшнилар Ўлмас Рўзиматов ҳузурига тажриба ўрганганги ва кўчат олгани келиб туришади. Улар Ўлмас ота ҳеч қачон рад жавоби бермаслигини яхши билишади.

Б. МАНСУРОВ,
ЎзТАГ мухбири.

Театр

АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА — 10/XII да Майсаранинг иши (15.00), 11/XII да Оққуш кўли, 12/XII да Иоланта, 13/XII да Уйқудаги гўзал, 14/XII Севильи сартароши, 15/XII да Коппелия (19.00), Флория Тоска (19.00).

ҲАМЗА НОМИДАГИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК ДРАМА ТЕАТРИДА — 10/XII да Олтин девор, 11/XII да А. Қодирийнинг ўтган кунлари, 12/XII да Нажот истаб, 13/XII да Юлдузли тунлар, 14/XII да Зебуннисо (15.00, 18.00), 15/XII да Жар.

Ўзбекистон соғлиқни сақлаш вазирлиги, Жумҳурият ОИТСнинг олдини олиш ва унга қарши кураш Марказий жамоаси Марказ шифокори

Азимжон АБДУСАТТОРОВнинг

вафот этганлигини чуқур қайғу билан билдириб, марҳумнинг оила аъзоларига таъзия изҳор қилади.

Ўзбекистон Республикаси телевидение ва радиоэшитириш давлат қўмитаси жамоаси радиоэшиттиришлар бош дирекцияси режалаштириш бўлимининг муҳаррири М. Абдуқаҳҳоровга акаси

Тўлқин АБДУҚАҲҲОРОВнинг

вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.

Бош муҳаррир Р. РАҲМОНОВ.

Рўзнома таҳрир ҳайъати: Ҳ. ИКРОМОВ, Н. М. МАЖИДОВ, С. МУҲАММАДЖОНОВ, М. Қ. МУҲСИМОВ (бош муҳаррир ўринбосари) Т. Н. НАЖМИДДИНОВ (бош муҳаррир ўринбосари), В. Т. ОДИЛОВ, М. Қ. ПИРМАТОВ, Р. Қ. ТУРСУНОВ, Я. ТУХТАЕВ, Ш. О. УБАЙДУЛЛАЕВ, М. ХАЙРУЛЛАЕВ, Ж. ХОЛҚОСИМОВ, Э. С. ХУЖАЕВ (масъул котиб,) М. ШЕРБУТАЕВ, О. ҲИКМАТОВ.



БИЗНИНГ МАНЗИЛГОҲИМИЗ: *700000, Тошкент–ГСП, Ленинград кўчаси, 32.*

БЎЛИМЛАР: муштарийлар фикрини ўрганиш ва хатлар — 33-21-43, 33-54-55, 32-53-16, 32-53-21, 33-11-49, 32-54-06; қайта қуриш ва ижтимоий адолат — 32-55-70, 32-53-20; партия турмуши, советлар ҳаёти, назария ва мафкура — 33-34-69, 33-38-95, 32-53-97, 32-57-19, 32-54-18; саноат, қурилиш ва транспорт — 33-47-80, 33-81-48, 32-53-14, 32-54-09; деҳқончилик саноати — 33-76-04, 33-07-20, 32-53-70; иқтисодиёт ва ҳаёт — 33-12-16, 32-57-20; фан, маданият ва халқ таълими — 33-44-51, 32-57-21; адабиёт, санъат, тил ва публицистика — 33-20-36, 33-12-56, 32-54-36, 32-55-16; ахборот, спорт ва ҳарбий ватанпарварлик — 33-14-24, 32-55-17; ахлоқ-одоб — 32-54-29; фельетонлар — 32-54-27; безатиш — 32-57-22.

ЎЗМУХБИРЛАРИМИЗ: Андижонда — 4-48-85, Бухорода — 3-96-12, Гулистонда — 2-63-48, Жиззахда — 3-31-86, Қаршида — 3-25-79, Наманганда — 6-54-11, Нукусда — 2-42-62, Самарқандда — 35-22-90, Тошкентда — 32-53-20, Урганчда — 6-80-04, Фарғонада — 6-90-89.

«Ўзбекистон овози» («Голос Узбекистана») — общественно-политическая газета Народно демократической партии Узбекистана.

● Йилига 256 марта чиқади.

Нашр кўрсаткичи 64583.
Буюртма № 6481

№ 238.

Рўзнома офсет усулида А—2 форматида босилади. ● Босишга топшириш вақти — 21.00 топширилди — 20.30 Ўзбекистон Республикаси «Шарқ» нашриёт-матбаачилик концерни. 700000 Тошкент шаҳри. Ленинград кўчаси, 32. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10 11 12.